БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№25-26 (279-280) 2002-yil 27-iyun

"Ҳуррият" сизники,
Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!



Газетамизга обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Табрик

Ўзбек матбуоти учун янги давр бошланди. Демократиянинг болалик даври ниҳоялаб, етуклик палласига қадам қўйиш пайти келяпти. Энди болаларча ғўрликлар шунчаки кечирилмайди. Биз қонун билан, жамиятимиз олға силжишида тўсиқ бўлаётган муаммолар билан юзма-юз қолмоқдамиз.

Энди ўзбек матбуоти халқимиз ҳурматига эришиши, йирик ададлар даври келиши учун элимизнинг ўй-ниятларига янада яқин бўлиши, азиз истиқлолимизнинг мевалари тобора шиғил бўлишига муносиб ҳисса қўшиши керак.

ЭНГ ЯХШИ МАТБУОТ...

Яқинда Бельгияда бўлиб ўтган Жаҳон Газеталари ассоциациясининг 55-Конгрессида юздан зиёд мамлакатлардан ташриф буюрган 900 га яқин журналистлар, муҳаррирлар "қандай матбуот энг яхши?" деган саволга жавоб излар экан, "Миллатнинг ўзи билан ўзи сўзлашишига, мулоқот қилишига, муаммоларини муҳокама қилиб, ожиз жойларидан воқиф бўлиб, уни тузатишига имкон берадиган матбуотгина энг яхши матбуотдир", деган хулосага келдилар. Зеро ана шундай матбуотгина жамиятни, миллатни тараққиётга бошлай олади.

Газеталаримиз турфа фикрлар минбари бўлиши жоиз. Матбуотда фақат тўғри фикр (ҳали исбот этилмас экан унинг тўғрилиги гумон) чоп этилиши керак, дегувчилар ҳам бағрикенгроқ бўлиши лозим. Энди ҳақиқий тўғри ечимга келиш учун баъзан қарама-қарши фикрлар ифодаланиши керак. Шу маънода матбуот фикр, гоя берадиган, халқ донишмандлигини булоқлари ҳосил этган чашма бўлиши даркор.

Президентимиз Ислом Каримов "жамоатчиликнинг, халқнинг ҳокимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман мансабдорларга нисбатан фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади. Одамларда ҳар хил фикр бўлиши табиий..- Матбуот буларнинг ҳаммасини ифодалаб бериши керак. Ўн хил, юз хил фикр бўлса ҳам ҳаммасини бериш керак, шунга биз чидашимиз даркор.Ана ўшанда матбуот демократик матбуот бўла олади" деган эдилар.

Биз бу ишларни фақат демократик матбуот деган номни орттириш учун эмас, глобаллашаётган дунёда миллатимиз ўрнини юксалтириш, унинг тараққиётини ўйлаганимиздан қилишимиз лозим. Яқинда бир ҳамкасбимиз "миллатнинг тараққиётида муҳим ўрин тутадиган зиёлилар, олимларга фикр беролмайдиган матбуот таназзулни бошлаб бериши мумкин. Зиёлилар фикрларини чархлаш учун миллий матбуотдан бегона бўлиб, ўзга миллат матбуотига эҳтиёж сезиши мумкин", деган фикрни айтди.

Бу сўзлар ҳам фикрлар хилма-хиллигининг аҳамиятини кўрсатиб турибди. Донишманд халқимизга муносиб матбуот бўлиши лозим.

Шу ўринда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш зиммасида бўлган ташкилотлар тизими шаклланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим бўлади. ОАВ тизимида Миллий матбуот маркази, ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Журналист кадрларни қайта тайёрлаш халқаро маркази каби нодавлат ташкилотларининг пайдо бўлгани ва фаолият юритаётгани ижобий ҳодисадир.

Кейинги йиллардаги шундай ижобий жараёнлар ҳақида сўзлаганда, матбуот клублари пайдо бўла бошлаганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ҳозир республикамизда журналистларнинг ўнга яқин клублари бор. Хорижда таҳсил олган ўзбек журналистларининг "33+", Аёл журналистлар клуби, , матбуот котиблари клуби Бухоро, Тошкент, Водий журналистлари клублари, эколог журналистлар, спорт журналистлари ассоциялари шулар жумласидандир. Айримлар бу умуммиллий уюшмамиз йўқлигидан пайдо бўлган парокандалик кўриниши деган фикрда. Бироқ бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Зеро журналистлар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган, ижтимоий муҳофаза, ўзаро ҳамкорлик каби долзарб масалалар билан шуғулланадиган ассоциацияга эҳтиёж сезилаётгани аниқ бўлса-да, кичик клубларга бирлашиш миллий уюшмани инкор этмаслигини, балки ихтисослашишга, тажриба алмашишга кўмаклашишини эътироф этиш лозим.

Сўз ва матбуот эркинлиги - катта масъулият. У инсон ҳуқуқларининг ўзагини ташкил этгани учун ҳам доимо эътиборда. Қутлуғ касб байрамимиз муносабати билан барча ҳамкасбларни чин юракдан табриклар эканмиз, уларга мана шундай масъулиятли ва шарафли меҳнатда муваффақиятлар тилаймиз. Элнинг корига яраб, унинг ардоғида бўлиш, меҳнатдан завқ ва шараф топиш насиб этсин!

Амирқул КАРИМ.



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

Ижодий гурунг

Танлов

"Йилнинг энг яхши журналисти — 2001" танлови ғолиблари аниқланди

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати 2001 йил мобайнида ижодий фаоллик кўрсатган, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоя ва миллий мафкурани шакллантириш, халқимиз турмушида юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг янгиланиши, камолот йўлида тинмай изланаётган навқирон авлод интилишлари ва изланишлари ҳақида турфа йўналишларда жонбозлик кўрсатиб ижод қилаётган журналистларни "Йилнинг энг яхши журналисти — 2001" танловининг ғолиби ва совриндорлари деб топди:

Озод Шарафиддинов ("Жаҳон адабиёти") — юксак ижодий фаоллиги учун

Олимжон Усанов ("Халқ сўзи") — ижтимоий-иқтисодий мавзудаги туркум мақолалари учун

Иброҳим Норматов ("Туркистон-Пресс") — ижтимоий-сиёсий ва халқаро мавзудаги туркум таҳлилий мақолалари учун

Нилуфар Умрзоқова ("Ёшлар" телеканали) — "Бегойим" туркум кўрсатувлари учун

Темур Низаев ("Правда Востока") — спорт мавзуидаги кўплаб таҳлилий мақолалари учун

Исмоил Шомуродов (ёзувчи, публицист) — замондошларимиз дунёқарашини таҳлил этишдаги изланишлари учун

Дилором Абдуллаева (ЎзТВ) — "Ахборот" дастурида Қорақалпоғистондан кўрсатилган долзарб мавзудаги репортажлари учун

Баҳром Рўзиматов ("Ватанпарвар") — Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги кўплаб мақолалари учун

Куйидаги журналистлар рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлдилар:

Илҳом Сафаров (Бухоро), **Маҳмуджон Ибаев** (Андижон), **Фармон Тошев** (Самарқанд), **Холмурод Оллоназаров** (Тошкент вилояти), **Тоҳир Мирҳодиев, Озод Примов, Дилфуза Шомаликова** (Тошкент), **Санобар Боймуродова, Қурбон Эгамбердиев** (Қашқадарё), **Туғунбек Маҳкамов** (фотожурналист, Наманган), **Даврон Файзиев** ("Ёшлар" телеканали).

Мунозара

ҲАДИКСИРАБ ҲОКИМИЯТ БЎЛОЛМАЙМИЗ!

Шу йилнинг 15 май куни "Известия" газетаси "Цензоры больше не нужны" деган хабарни тарқатди. "Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг ахборотига асосланган ушбу хабарда Ўзбекистонда газета материалларига нисбатан назорат йўқлиги маълум қилинди. Ана шундан сўнг бундай хабарларни нега биз чет эл матбуотидан билиб олишимиз керак, деган савол пайдо бўлади. Ва кўнглимда пайдо бўлган ушбу савол қуйидаги мулоҳазаларни баён этишга мажбур қилди.

Газеталаримизнинг шу кунларда ҳам шўролар давридан мерос қолган — "экиш бошланди, ўрим ёки йиғим-терим якунланди, марра уддаланди" сингари шаблон хабар ва ахборотлар билан тўлдирилишининг маълум сабаблари бор. Яъни, 70 йилдан ортиқ вақт давомида бизни итоатгўйликка ўргатишди. Қонунга эмас, амал ва амалдорларга итоат қилишни ўргандик. Шунинг учун бўлса керак, ана шу итоат инстинкти таъсирида ҳамон ҳадиксираб ишлаш одатидан қутула олмаяпмиз.

Антон Чеховнинг "Гилоф бандаси" ҳикояси ёдингиздадир? "Шу ишимнинг бир ишкали чиқмасмикан" деган фикр ҳикоя қаҳрамони сингари матбуотчиларимизни ҳам тарк этмаётганга ўхшайди. Сизга мисол керакми? Марҳамат. Шу йил 17 майда чиққан "Моҳият" газетасининг 19-сонида "Матбуот қироли ким?" сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Мақолада қайсидир туманда газетада чиққан танқидий мақолани тополмаган туман раҳбарлари ҳақида сўз юритилган. Аммо, негадир, унинг қайси туманлиги тилга олинмайди.

Бу мавҳумлик кимга керак? Ёки "нашрлардан бири ўзининг 4-қаватли хусусий биносига эга" деб яна мавҳум факт баён қилинади. Мана шу мисолларимизнинг ўзи ҳадиксираб ишлашдан дарак эмасми?

Муаллиф Ҳ.Сатторий "Труд-7" ёки "АиФ" га ўхшаган бирорта ўзбекча нашр тополмаймиз" деб ёзади. Ахир ёзган нарсаларимизда фактларни воқеа жойи ва қаҳрамонларини кўрсатмай мазкур газеталар даражасига етиб бўлармикан? Ҳолбуки, 1997 йилдаёқ қабул қилиниб, кучга киритилган "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар ҳадиксираб ёзишдек иллатдан қутулишга йўл очувчи ҳужжатлардир.

Булар камлик қилса, 1996 йилдаёқ Президентимиз Ислом Каримовнинг Европа мамлакатлари — Чехия ва Словакияга қилган ташрифи чоғида, "Озодлик" радиосининг ўзбек шўъбаси ходимлари билан қилган суҳбатида билдирган фикрлари журналистлар қўл-оёғини ечиб юборувчи кўрсатма бўлди. Ўшанда Президентимиз бирор ҳодиса-воқеа хусусида "жамиятда юз хил фикр бўлса, ҳаммасини бериш керак" деб айтган эдилар.

Президентимизнинг ана шу сўзларини эшитган журналистларимиз, негадир бу ишни бажаришга келганда сусткашлик қилиб қолдилар. Ҳолбуки, мазкур суҳбат матни республикамизнинг энг йирик газеталарида эълон қилинган эди.

Адолат юзасидан айтиш зарурки, "Ҳуррият" газетаси бу йўлда айрим қадамларни қўя бошлади. Унинг шу йил 13-февралдаги 6-сонида "Ҳаммабоп газета" сарлавҳаси остида газетамиз—"Даракчи" хусусида ҳам холис фикрлар баён қилинган. Икки ой ўтмаёқ шу газетанинг 13-сонида Қаноат Бойхоннинг "Ўз қаҳрамонларимизни унутмайлик" деб номланган мақоласи чоп этилган. Ўша мақоладан бир жумла билан танишинг:

"Даракчи", "Эрудит", "Тасвир", "Сўғдиёна", "Хумо"... Дўконча ойналарига тартибсиз осиб ташланган бу "оммабоп" ҳафтаномаларни кўриб ҳафсалам пир бўлди". Бу гапдан ҳурматли газетхон сизнинг ҳафсалангиз пир бўлмадими?

200 минг нусхадан ортиқ нашр этилиб, газетхонлар қўлидан тушмайдиган газетага нисбатан қўштирноқ ичида оммабоп деб кесатишни мен тушунолмадим.

Яна бир мисол. Ўтган йили "Ҳуқуқ" газетасининг 33-сонида Жаҳонгир Шарофбоевнинг "Даракчи" ҳақида айрим мулоҳазалар"ини бутун таҳририятимиз эътибор билан ўқиб чиқди. "Мевали дарахтга тош отадилар" деган нақлни келтирибди муаллиф. Мевали дарахт эканлигимизни билиб ғурурландик. Ҳаммага ҳам мевали дарахт бўлиш насиб этсин.

Хозир республикамизда 600 дан ортиқ газеталар чоп этилиб, ҳар йили уларга обуна бўлиш зўрма-зўрлик билан ўтказилаяпти. Бунинг битта сабаби — газетанинг қимматлиги бўлса, иккинчи бир муҳим сабаби унинг сифатидир. Қоғоз ва газета чиқаришга кетадиган хизматлар қимматлиги учун газета қиммат бўлаётгани ёш болага ҳам сир эмас.

Хўш, қоғоз қиммат экан, нега ана шу қиммат қоғозни арзон ахборот ва хабарлар билан тўлдириш керак?!

Бир тасаввур қилинг-а, "Вашингтон пост", "Нью-Йорк таймс", "Санди Таймс" ёки шунга ўхшаш газеталарда "Техас штати фермерлари ғалла ўримини АҚШда биринчи бўлиб уддаладилар", англиялик чорвадорлар мол бош сонини кўпайтирдилар" сингари ахборотни бериш билан уларнинг аҳволи нима бўлар экан?!

Афсуски, биз буни тасаввур қила олмаймиз. Ана шу мулоҳазалар орасида хаёлимдан шундай фикр ўтди, матбуотимизнинг бугунги аҳволи бозордаги даллолни эслатади.

Наҳотки, бизда пайсалга солинмай ҳал қилиниши зарур бўлган, аммо ҳал қилинмаётган муаммолар бўлмаса?! Мана, битта мисол: пахта терими даврида мактаблар, коллежлар ва институтларда ўқишнинг энг қизғин палласида 1—1,5 ой (гоҳида бундан ҳам кўпроқ вақт) мобайнида ўқувчи ва талабаларнинг ўқишини тўхтатиб пахта теримига жалб этилиши мамлакатимиз олдида турган катта муаммо эмасми? Бу иш тарафдорларининг "мамлакатга пахта керак", "ёшлар меҳнатга ўргансин", "ота-онасига ёрдам берсин" сингари қатор важлар билан ўзларини оқлашларини сезиб турибман.

Бу муаммо тагида нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки ҳуқуқий асослар борлигини ҳам ўйлаб кўриш пайти келмадимикан? Бу сингари ўнлаб муаммоларни матбуотда ёритиш ва ҳал қилиш, ҳа, ҳал қилиш пайти аллақачон етган.

Ҳаётий муаммолардан ўзимизни четга олиб юрсак, тўртинчи ҳокимият бўлишни хоҳлаймизу, бўлолмай юраверамиз. Ҳокимият даражасига кўтарилиш учун ҳадиксирашдан воз кечайлик.

Орзумурод ҲАМРОЕВ,
журналист

Тадбир

ЭРКИНЛИК ОМИЛЛАРИ

Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш деганда нимани тушунмоқ керак? Эркин матбуот нимага ёки кимга керак? Сўз эркинлигини таъминловчи омиллар нималардан иборат? Эркинликнинг моддий асоси бўлиши нега шунчалик муҳим? Мамлакатимизнинг бугунги ОАВ хусусида қандай ижтимоий фикр шаклланган?

Бу ва шунга ўхшаш саволлар ўтган ҳафта Самарқандда бўлиб ўтган "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш" мавзусидаги семинарда ҳар томонлама муҳокама этилди. Семинарни Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси Журналистларни қайта тайёрлаш ҳалқаро маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Журналистлари ҳузурида чиқиш қилган Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Муқимжон Қирғизбоев маърузаси "Сўз эркинлиги- демократиянинг асосий негизи" деб аталади.

Эркинлик, эркин сўзнинг аҳамияти ҳақида донишмандларнинг фикрларини билдирар экан, М.Қирғизбоев жамият ҳолатига сўз эркинлигининг қанчалик реалликка айланганлигига қараб баҳо берилишини уқтирди.

ОАВни эркинлаштириш жараёнида жамиятда ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши қанчалик муҳимлиги ҳам таъкидланди. Эркин сўз, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари очиқ бўлишига манфаатдор сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари тайёр бўлиши шарт.

"Ижтимоий фикр" маркази директори ўринбосари Марат Ҳожимуҳамедовнинг маърузасини тинглаб, давра суҳбатида қатнашдилар.

Тадбир К.Аденауэр жамғармаси томонидан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўтказилиши мўлжланаётган семинарларнинг биринчиси эди.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Фикр

АХБОРОТ ЭҲТИЁЖИ

Одам қизиққан нарсасини билгиси келади. Бунинг учун турли манбаларга мурожаат этади. Кимдир китоблардан, кимдир мишмишлардан, кимдир радио-телевидениедан ўзини қизиқтирган саволларга жавоб излайди. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси ўзининг ахборот эҳтиёжини қайси манбалардан қондиришга ҳаракат қиляпти? Бу эҳтиёж қай даражада? У қондириляптими ўзи?

"Ғарб ҳаракат билан, Шарқ мушоҳада билан банд". Ўта пурмаъно нақл. Бизнинг мавзумиз нуқтаи назаридан ёндашсак, чиндан ҳам Машриқда соф билимга, мушоҳадага эҳтиёж доим баландроқ бўлган. Ғарб учун эса "Билим — бу куч", деган қоидага амал қилинади. Ахборот уларга асосан иш учун, даромадларни ошириш учун керак. Кўпроқ билган, керакли маълумотни қўлга киритган одам ютиб кетаверади. Яъни, Ғарбда ахборот — бу товар. Кишиларда унинг энг янги ва сифатлисига талаб бор.

Европа ва Америка давлатларида газеталар жуда қалин бўлишига доим ҳайрон бўлар эдим. Айниқса, инглизлар ҳар тонгни газета ўқишдан бошлайди. Шунча саҳифани қачон ўқиб улгуришига ҳеч тушунмас эдим. Кейин билсам улар газеталарни тўлиқ ўқиб ўтирмас экан. Сарлавҳаларига кўз югуртириб, обҳаво ва нарх-наво билан танишиб чиқар экан, холос.

Бизда эса ахборотга эҳтиёж ўзгача бўлган. Ҳозиргача кўп кишининг эътиқодини ташкил этувчи тасаввуф фалсафаси ҳам комилликка элтувчи йўл тўрт муҳим босқичдан иборатлигини айтади: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат. Демак, билимга, ахборотга интилиш ўзликни англашнинг ажралмас босқичи бўлиб келган. Назаримда, шарқона ўзликни англаш жараёнини мулоқот ва дунёни ўрганишдан айри кўриш мумкин эмас.

Кўпчилигимиз ўзимизда шуни кузатсак керак, бирор бир қизиқарли ахборотни қўлга киритаётганимизда аввало уни дўстлар билан қандай муҳокама қилиш ҳаёлимиздан ўтади. Яъни Шарқда янги гояни ўзгалардан яшириш эмас, аксинча, кимгадир айтиб бериб, уни биргаликда ривожлантиришга мойиллик кучли. Мулоқот эса билимни кенгайтиришга, ақлни чархлашга ёрдам берувчи ўта аҳамиятли восита саналган. Балки шунинг учундир ота-боболаримизда нома жанри нафақат хотира даражасига, балки юксак бадиий асар даражасига кўтарилган.

Хўш, бугун-чи? Одамларимиздаги ахборот эҳтиёжи қай даражада ўзгарган? Балки дунёни ўрганиш бугун анча осонлашгани ва бу борада янгилик айтиш қийин бўлиб қолгани туфайли бу эҳтиёж бироз пасайгандир. Бугунги бетиним ҳаётимизда комилликка интилиш ҳам кўпчилик бошини қотирмас. Лекин мулоқот бор экан, демак, ахборотга эҳтиёж ҳам ҳеч қачон сўнмайди.

Аёлларимизнинг гаплашиб ўтиришига ҳеч эътибор берганмисиз? Меҳмонга келганда уй бекасининг ширин таом тайёрлашдан ҳам кўра, ширин суҳбат билан сийлаши муҳимроқ бўлади баъзида. Соатлар давомида меҳмонларни зериктирмай ўтириш эса осон иш эмас. Қолаверса, ҳамма меҳмонга ҳам рўзғор ташвиши ёки Навоий ғазалларининг бетакрорлиги ҳақида сўзлаб бўлмайди. Шундай пайтларда обҳаво ҳақида гап тугагач, телевизор, радио ёки газеталар етказаётган хабарлардан сўз очилади. Балки баъзи журналистларнинг бундан хабари йўқдир, лекин меҳмон келган деярли ҳар бир уйда ОАВларимизнинг кундалик фаолияти **чуқур ва обдон** муҳокама этилади. Ва кўпчиликнинг бу борада жиддий фикрлар айтишга савияси етади.

Журналистларимиз фаолиятини таҳлил қилмоқчи эмас эдим-у, кези келганда айтмасам бўлмайди. Юқоридагидек давраларда одамлар ОАВларимиз аҳволидан қониқмаслигини айтишади. Мен уларга журналистлар ўзаро тез-тез муҳокама этадиган муаммолардан гапириб, вазиятни тушунтиришга уринмайман. Яхши журналистларимиз ҳам кўп, деб фикримни исботлашга ҳаракат қилмайман. Гапинг рост бўлса-да, оддий томошабинга уни исботлаш мумкин эмас. Чунки у умумий натижага қараб баҳо беради. Ўзининг ахборот эҳтиёжи қондирилиши нуқтаи назаридан ёндашади...

Инсон психологияси нуқтаи назаридан, қондирилмайдиган эҳтиёжлар "хизмат доирасидан ташқарига" чиқариб юборилади.

Умид қиламизки, бир кун келиб одамлар журналист касбини ҳурмат билан тилга олади. Улар етказаётган ахборот қизиқиш ва ҳайрат билан муҳокама этилади!

Динора ДЎЛТАЕВА

Даъват

БАЙРАМГА МАРҲАБО!

Йил — ўн икки ой: Мудом журналист йўлда, мудом ўзгалар ташвиши ила банд, кимнингдир корига ярамоқ ниятида тиним нелигини билмайди...

Бироқ, йил — ўн икки ойнинг бир куни борки, шу кун журналистники! Бу — 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни!

Ҳар йили, аньанага кўра, журналистларнинг касб байрами пойтахтимизда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида тантана қилинади.

— Бугун эрта тонгдан барча оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз оила аъзолари билан боғимизга ташриф буюраверсинлар, — дейди мазкур гўша раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир ака Султонов. — Касб байрамини нишонлайдиган юртдошларимиз учун қўлдан келганча хизмат кўрсатилади. Хусусан,

тантанали тадбир ўтказиш учун махсус саҳна байрамона безатилган;

санъат юлдузларининг чиқишлари учун ҳамма нарса муҳайё;

журналистларнинг фарзандлари учун республика Қўғирчоқ театри жамоасининг алоҳида тайёргарлиги бор, шунингдек, боғдаги жамики ўйин қурилмалари болажонлар учун бепул ишлайди;

боғ соврини учун журналистлар ўртасида билярд, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича мусобақа ташкиллаштирилади;

турфа кўргазмалар, истироҳат боғидаги катта-кичик қаҳвахоналар намунали хизмат кўрсатишга шай!

БАЙРАМНИ БИРГА НИШОНЛАЙЛИК, АЗИЗЛАР!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Мулоҳаза

ГАЗЕТАЛАРНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги яқинлашаяпти. Шунча вақтдан буён биз эркин нафас олиш бахтига муяссармиз. Миллий матбуотимиз байрамини ҳам кўп йиллардан буён нишонлаётирмиз. Айнан кейинги йилларда матбуотимизни демократлаштириш жараёни чуқурлашиб бормоқда. Айниқса, унинг "тўртинчи ҳокимият" сифатидаги мавқеини ошириш, нуфузини кучайтиришга эътибор ортганлигини айтмайсизми!

Оммавий ахборот воситалари байрами арафасида матбуот нашрлари фаолияти ва унинг мавжуд тизимига оид мулоҳазаларни ўртага ташлашни лозим топдик. Бу шахсий мулоҳазалар матбуот соҳасидаги кўп йиллик кузатувлар асосида юзага келган.

Ўтган йили бир гуруҳ ҳамкасблар билан биргаликда хизмат сафарида бўлгандик. Сафар чоғида оммавий ахборот воситалари ҳақида суҳбат кетганда бир масалада ҳаммамизнинг фикримиз бир жойдан чиқди. Суҳбат асносида яқиндагина ўн йиллиги нишонланган "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталари бир вақтнинг ўзида ҳам мамлакат **қонун чиқарувчи** олий органининг, **ҳам ижро этувчи орган** — ҳукуматнинг **нашри бўлиб қолаверишини тўғри бўладими?** — деган савол кўндаланг бўлди. Табиийки, бу саволга ҳаммамиз "йўқ", деган жавобни бердик. Сабаби, ўзингизга маълум: қонун чиқарувчи органнинг ваколат ва вазифалари билан ижро этувчи органнинг ваколат ва вазифалари бир-биридан тамоман фарқ қилади.

Шундай бўлгач, нега биз ҳукуматнинг алоҳида матбуот нашрини чиқаришимиз мумкин эмас? Ҳамонки, демократик ҳуқуқий давлат барпо этаётган эканмиз, "тўртинчи ҳокимиятмиз" тизимини ҳам шунга мувофиқлаштириш ҳақида қайғуришимиз зарур. Бинобарин, ҳозирги мақомида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари Олий Мажлис нашри сифатида ҳукуматни бемалол танқид қилиши мумкин, лекин айни чоғда Вазирлар Маҳкамасининг ҳам нашри сифатида, айтайлик, ҳукумат фаолияти тўғрисида танқидий фикр-мулоҳазалар билдириши мантиққа тўғри келмайди. Гап бу ерда яна бир янги нашрни ташкил этиб, республика миқёсидаги газеталар сонини кўпайтириш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Қолаверса, рус тилида чиқадиган алоҳида ҳукумат нашри — "Правда Востока" газетаси бор, фақат ўзбек тилида чиқадиган алоҳида нашр йўқ. Гап юқорида таъкидлаганимиздек, демократик давлатнинг ҳокимият бўғинларини, яна ҳам аниқроғи, "тўртинчи ҳокимият" бўғинларини бир-биридан аниқ қилиб ажратиб қўйиш зарурлиги тўғрисида бораяпти.

Шунингдек, "тўртинчи ҳокимиятимиз" кўр-кўрона Ғарбга эргашмаслиги, балки ўзига хос ва ўзига мос миллий хусусиятларимизни, миллий анъана ва қадриятларимизни сақлаб қолган ҳолда тараққий этиши ва демократлашуви мақбуллиги ҳам ўз-ўзидан аёндир. Бундан ташқари, бугунги кунда Юртбошимиз икки палатали парламентни шакллантиришни эзгу мақсад қилиб қўймоқдалар. Буни ҳам биз, матбуотчилар ҳозирдан ҳисобга олиб боришимиз керак.

Республикамиз давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари — вилоят ҳокимликларининг матбуот нашрлари ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Ҳозирги кунда чиқаётган вилоят газеталарига ким эгалик — муассислик қилиши керак? Вилоят ҳокимлигининг ижроия маҳкамасими ёки Халқ депутатлари вилоят кенгашими? Аслида ваколат ва вазифалари турлича бўлган бу икки органнинг ўз газеталари бўлгани маъқул эмасмикан? Шундай бўлгандагина, биринчидан, матбуот нашрларини ҳам муайян бир тизимга соламиз. Иккинчидан эса, бу нуфузли органларнинг ўз нуфузли нашрлари пайдо бўлади. Пировард натижада соғлом рақобат юзага келади. Кўплаб нашрларнинг вазифалари аниқлашади. Муайян даражада бўлса-да, ихтисослашув жараёни кечади.

Ҳозирги ҳолатда эса айрим газеталар бир-бирига мазмунан қуйиб қўйгандек ўхшаб кетади. Такрор айтамизки, гап газеталарнинг сонини кўпайтириш тўғрисида бораётгани йўқ. Мамлакатимизда бугунги кунда 500 дан зиёд газета чиқиб турибди. Шу жумладан вилоят миқёсидаги газеталар ҳам беҳисоб, улар орасида мустақиллари ҳам, ҳатто "эгасиз"лари ҳам бор. Гап шундаки ҳар бир даврий матбуот нашрининг аввало ўз муассиси олдига қўйган аниқ мақсади бўлиши зарур. У ўзига мос ва ўзига хос ваколат ҳамда вазифаларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда яна бир таклифни ўртага ташлашнинг мавриди келди, деб ўйлайман. Мамлакатимизда давлат Президент бошқаруви асосида юритилади. Конституцияга биноан Президент зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юклатилган. У ўз ваколатларига мувофиқ мамлакат ҳаётига, бутун давлат сиёсатига дахлдор бўлган Фармон ва фармойишлар, бошқа турли қарорлар қабул қилади. Президент имзо чекадиган давлат аҳамиятига молик ана шу муҳим ҳужжатларни батафсил ва оммабоп қилиб шарҳлайдиган, уларнинг моҳиятини аввало тегишли идораларга, бутун халқимизга тушунарли қилиб етказадиган, Мамлакат раҳбарининг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатини, унинг туряи мамлакатларга амалга оширадиган ташрифлари мақсадини, бу ташрифларнинг якунларини, мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли учрашувлар, анжуманлар, симпозиумларда Президент билдираётган таклифлар ва мулоҳазаларнинг мазмунини ҳам мамлакат аҳолиси учун, ҳам ташқи дунё учун атрофлича изоҳлаб берадиган ва тўла ифодалайдиган, керак бўлса, бир неча чет тилларида чиқадиган махсус газета бизда борми?!

Фикрни, ғояларни жамият тараққиётини жадаллаштирувчи куч деб биламиз. Фикр туғилди, таклиф айтилди. Энг қийини — уни ҳаётга татбиқ этиш. Бироқ барчамизга маъқул тушса ва жамиятга наф келтирадиган бўлса, уни амалга ошириш учун бутун саъй-ҳаракатларимизни аямаслигимиз зарур, деб ўйлайман.

Олимжон НАЗАРОВ,
журналист



Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қумитаси раиси Ў. Ҳошимов ЎзТВ "Ахборот" дастури мухбирлари билан.

Таклиф

ИХТИРОЛАРИМ КЎП, АММО...

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланиб, барқарор бўлишида ихтиролар беқиёс аҳамиятга эга. Яқин-яқинларгача дунё давлатлари рўйхатида иқтисодий жиҳатдан охирги ўринларни эгаллаб келган айрим Шарқ мамлакатлари фанга, айниқса ихтирочиларга бўлган эътиборни кучайтирганликлари туфайли қисқа вақт ичида илғор ва етакчи давлатлар қаторидан ўрин олишди. Кўпчилик томонидан севиб ўқилган "Наука и жизнь" журналига, ҳатто мактаб ўқувчиларига мўлжалланган "Юный техник" ва "Техника молодёжи" журналларига Япониянинг айрим илм ва фан ташкилотлари ва фанга алоқадор бўлган фуқаролар мунтазам равишда обуна бўлиб келганликлари бежиз эмас.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ихтиролар ва янги технологиялар яратилишига давлатимиз раҳбарлари катта эътибор беришди. 1994 йилда "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги" Қонуннинг қабул қилиниши бунинг яққол далилидир.

Бу мақолани ёзишимдан мақсад шуки, ўзим ҳам ихтирочиликка мойил одамман. Бир пайтлари дўконларимиз пештахталарида кўкариб кетган парранда маҳсулотларини кўриб, бунинг нима сабабдан шундай ҳолатга келишини ўйлаб юрар эдим. Ана шу ташвиш бизни ойламиз билан паррандачилик сирларини ўрганиб чиқишга ундади. Бу иш билан 4—5 йил шуғулланганимиздан кейин товуқ боқишнинг Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитига мос янги технологиясини вужудга келтирдик. Мен уни оммавийлаштириш мақсадида ўша пайтда бир неча марта мутасаддди раҳбарларга мурожаат этдим. Улар эса хориждан 10 минг АҚШ долларига сотиб олинган, каталакдай жойда устмауст 4 қават қилиб парранда боқиладиган, компьютерлашган лойиҳани рўкач қилиб, менга рад жавобини беришди. Шахсан ўзим компьютерга қарши эмасман, лекин 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган оддий қишлоқ аҳолиси фойдалана оладиган технология тарафдориман. Қолаверса, парранда ахлати ўзидан тинимсиз равишда аммиак гази ажратиб чиқариши мутахассисларимизга аён-ку. Ана энди ўзингиз бир тасаввур этиб кўринг: бир-икки соат электр қуввати бузилиб қолса, вентеляциясиз ўша "каталакдаги" товуқларнинг ҳоли нима кечар экан?

Шакл бериш натижасида ҳосил бўладиган дарахт шох-шаббаларини майдалаб бера оладиган тиркама мослама тайёрлаганимда мутасаддилар: "бизга чизмалари эмас, ишлаб турган нусхаси керак", деб у ерда ҳам рад жавобини беришди. Натижада товуқ боқиш технологияси ҳам, шох-шаббани майдалаб берадиган тиркама мосламанинг лойиҳаси ҳам уйда — шахсий архивимда "чанг" босиб ётибди.

Булар ҳаммаси яқин ўтмишдаги гаплар дея қолайлик. Ҳозир-чи? Республикамизда бозор тизимлари шиддат билан ривожланмоқда. Турган гапки, уларга энг ишончли ва замонавий сеейфлар зарур. Шуни ҳисобга олиб янги, дунёда ўхшаши йўқ сеейф ихтиро қилдим (патент №3632, 1996 йил). Уни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Марказий банк маъмуриятига таклиф этдим. Банк маъмурияти чизмаларимни кўриб чиқиб, маъқул деб топишди, лекин менинг олдимга бир ой муҳлат ичида ишлаб чиқарилган нусхасини олиб келиб кўрсатишимни шарт қилиб қўйишди. Тошкентда мен учрашмаган завод деярли қолмади. Барча завод раҳбарлари: "бизга бир нусхада сеейф ясаш қимматга тушади, агар уларга ўзлари айтганларидек 200та сеейф керак экан, шартнома тузиб, ҳисоб-китобини чиқазганимиздан кейин умумий сумманинг 50—60 фоизини ўтказсаларгина иш бошлаймиз" қабилида жавоб беришди. Ўзимда-ку керакли маблағ йўқ, банклар эса гаров талаб қилишиб, кредит пули ажратишдан бош тортишди. Шу орада Марказий банк томонидан менга берилган бир ой муддат ҳам ўтиб кетди. Аниқки, Марказий банк маъмурий биноси учун зарур бўлган ўша 200 та сеейфни четдан олишга мажбур бўлишган. Ундан кейин ҳам қанча-қанча банклар ташкил этилди, турган гапки, улар ҳам ўзлари учун сеейфларни четдан олишмоқда, чунки бизда ҳанузгача банкларбоп сеейфлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бironта ҳам корхона йўқ.



Газ ва сув хўжалиги соҳаларида кўп йиллар ишлаганлигим, газ босимини ростлаб турувчи (регулятор) ускунасидаги айрим нозик жойлардан хабардор бўлганлигим ва ушбу ускуналарнинг ҳанузгача четдан олиб келинаётганлигини билганим учун қизим билан ҳеч қандай ўзгартиришлар киритмасдан бир пайтнинг ўзида ҳам регулятор, ҳам жўмрак вазифасини бажара оладиган кўп қиррали ускуна ихтиро этдик. Бу ихтиромиз Патент идорасида 1999 йилнинг 5423 рақам билан рўйхатга олинди. Афсуски, бу ихтиро ҳам давлат божини ўз вақтида тўлай олмаганлигимиз сабабли давлат фондига ўтиб кетди.

Шуни айтиб ўтишим жоизки, газ босимида ишлайдиган ускуналар сеейфга нисбатан инсон ҳаёти учун хавфлидир. Менинг илтимосимга кўра 1999 йили декабрь ойида "Ўзбекнефтгаз" концернида чақирилган техник кенгаш аъзолари икки тарафга бўлиниб, регулятор тўғрисида ё ҳа, ё йўқ жавобини бериша олмади. "Ўзбекнефтгаз" концернидаги амалдорлардан фарқли ўлароқ "Тошгаз" раҳбарияти бизлар ихтиро этган регуляторга жуда жиддий ёндашиб, ўз фикр ва маслаҳатларини аямасдан катта ишонч билдиришди. Натижада нафақат регулятор, балки барча асосий бўғинлари ихтиро ҳисобланган, корхона ва хонадонларга бир маромда газ тақсимлаб турадиган, тузилиши жиҳатидан амалдагиларидан бутунлай фарқ қиладиган газ тақсимлаш пункти вужудга келди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига ариза топширдик.

Яхшилар шарофати билан ҳеч кимдан кўра кеч бўлса ҳам, сеейфнинг ишлаб турган нусхаси яратилди. Газ тақсимлаш пункти ҳам шу йилнинг январь ойида дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди ва унинг эталон нусхасини яратишга йўл очилди. Лекин ўзимга ҳамфикр бўлган, барча ютуқларнинг отаси ҳам, онаси ҳам ихтиро деб тушунадиган одамларни топиш осон бўлмади.

Барча ихтирочиларга муайян шартнома асосида бирдек хизмат кўрсата оладиган, тасаррифидан қатъи назар, технопарк, жуда бўлмаганда асосий дастгоҳлар билан жиҳозланган устахона зарурлигини англадим. Шу билан бирга нафақат ихтирочиларимиз, балки иқтидорли ёшларимизга йўл-йўриқ кўрсата оладиган ва ихтирога мойил бўлган ёшларимизни ўз вақтида танлаб олишда ёрдами тегадиган журнал ҳам кераклиги аён бўлиб қолди. Ушбу иккала масалани ҳал қилиш мақсадида менга ҳамфикр ва ҳамдард бўлган дўстим Виктор Пак билан қилган ҳаракатларимиз зое кетди. Чунки ҳамма гап гаров бўлмаганлиги сабабли кредит пули ололмаганимизда эди.

Ёшларимиз тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Айниқса, мактаб ёшидаги ўспиринлар учун республикамизнинг барча туманларида шартли равишда **ёш техниклар тўгаракларини ташкил этиш керак.** Қолаверса, ҳали суяги қотмаган болаларимизнинг бозорларда арава судраб юрганларини ёки кўча ва ариқ бўйларида ифлос сувларга беланиб машина юваётганларини кўриб одам ич-ичидан эзилиб кетади...

"Йиқилган курашга тўймас" деганларидек, Чилонзор туманида яшовчи ихтирочи Абдулла Тожибой ўғли билан ҳамкорликда сайлгоҳларимизда, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларимизда қария сайёҳларимизга, бозорларда эса харидорларимизга хизмат қила оладиган "Рикша" русумли уч ғилдиракли велосипеднинг намунавий нусхасини яратдик. **Аммо сеейфни ҳам, газ тақсимлаш пунктини ҳам, 3 ғилдиракли велосипедни ҳам реклама қилиш** имкониятимиз йўқ. Телевидениедаги ходимларимиз эса ўтган йили 3 минутлик рекламага аллақанча пул тўлашим зарурлигини айтишди.

Ихтиро ва янги технологияларнинг иқтисодимиз ривожланишидаги ўрни ва жаҳон бозорларига рақобатбардош маҳсулотлар етиштириб беришда асосий омил эканлиги, шунингдек, юқоридаги масалаларнинг долзарблигини эътиборга олиб қуйидагиларни таклиф қиламан.

Биринчидан: давлат томонидан бозорларимизни асоссиз равишда четдан кириб келаётган маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, ихтирочиларга биринчи ихтиросини ёки технологиясини йўлга қўйиб, оёққа туриб олишлари учун гаров талаб қилмасдан, патентлар асосида керакли миқдорда кредитлар ажратиш, четдан сотиб олинажак технологияларни дастлабки синов ва текширувлардан ўтказиб ё ҳа, ё йўқ деган қарор чиқариб бериш ваколатига эга бўлган (таркибида давлатнинг масъул жавобгар ходимлари, Патент идораси, фанлар академияси ва ихтирочилар вакилларидан иборат) доимий марказ тузиш.

Иккинчидан: 1994 йили 6 майда қабул қилинган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги" Қонунни "Ихтирочилар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини яратувчилар тўғрисидаги" қонун деб қайта номлаб тубандаги масалаларни киритиш:

— ихтиро эгаси қачон ва қайси ҳолларда ихтирочи ёки хизмат кўрсатган ихтирочи номини олиши;

— ихтирочи ва у ишлайдиган асосий иш жойидаги маъмурият билан улар ўртасидаги муносабат, масалан ихтирочи қай ҳолларда ва ойига неча кун узрли равишда иш жойини ташлаб кета олиш ҳуқуқи;

— ихтирочига қандай қўшимча имтиёзлар берилиши масаласи ва у қандай ҳужжатлар асосида амалга оширилиши (асосан алоҳида, тинч хона ёки уй ажратилиш назарда тутилмоқда);

— нафақага қандай ҳолларда ва нималар асосида Қонунда белгиланган муддатдан олдинроқ чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан берилган патент асосида Республика телевидениесининг барча мавжуд каналларида ва газеталарда 4 маротабагача ўз ихтиро ёки технологиясини бепул реклама қилиш;

— ихтирочиларни давлат божидан умуман озод қилиш ва бу масалани ихтиро маҳсулоти саноатда қўллана бошлагандан ёки ишлаб чиқарила бошлагандан кейин тушган фойда ҳисобидан Патент идорасига белгиланган фоизни доимий равишда тўлаб туриш;

— дастлабки патент олиш даврида ихтирочи маҳсулотининг чет элга ўринча ёки бошқа йўллар билан тўғридан тўғри кетмаслигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;

— дастлабки экспертизалар пайтида ихтирочи ва давлат экспертлари ўртасидаги ёзишмалар учун белгиланган 2 ойлик муҳлатни бекор қилиш. Менинг бу таклифларим тезроқ амалга оширилса ихтирочиларимизнинг давлатимиз иқтисодига салмоқли ҳисса қўшишига ишонаман. Дарвоқе, ҳозир устида ишлаётган янги авлод электр двигатели ва қурувчилар учун мўлжалланган, бетон ва темирга мих отадиган 12 зарядли тўппончаларим ҳам халқ хўжалигимизга тезроқ етиб борармиди...

Сейтимбет БАЛТАБАЕВ,
Тошкент шаҳри.



Қадр

“МЕНИ МАТБУОТ ЎСТИРДИ”

-дейди 94 ёшли кекса журналист Тоҳир ота Зуфаров.

Тоҳир Зуфаров 1902 йил Жамбулда (ҳозирги Авлиё ота) таваллуд топган. Ўша ерда 8-синфгача бўлган бошланғич таълимни олган. Ўша йиллари “Тошкентга туркиялик домлалар келиб, янги усул мактаби очилар экан”, деган гап Жамбулгача етиб боради. Не бахтки, Тоҳир акага ҳам ушбу даргохда билим олиш насиб этади.



Тоҳир аканинг иш фаолияти 1937 йилдан бошланди. У маориф ходимларининг газетаси бўлмиш “Янги ҳаёт”га ишга кирди ва йиллар давомида адабий ходимдан масъул котиб вазифасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

II Жаҳон уруши кўпчилик қатори Тоҳир акани ҳам четлаб ўтмади. У киши 1942—1945 йиллар мобайнида Белоруссия ерларидан то Берлин остонасигача бўлган жангда мардонавор курашди, чап оёғидан яраланди.

Тоҳир ака жасорати учун лейтенант унвони билан тақдирланди. Урушдан сўнг 1946—1951 йиллар мобайнида “Ўқитувчилар газетаси”да қалам тебратди.

1951 йилдан 1989 йилгача ўша вақтда кўзга кўринган журналда масъул котиб лавозимида ишлаганлар. Тоҳир отанинг ижодий меҳнати муносиб тақдирланиб, “Шуҳрат” медалига сазовор бўлди.

Сизнинг фикрингизча, ҳозирги замон журналисти қандай бўлиши керак, деган саволимизга Тоҳир ота шундай жавоб бердилар:

— Авваламбор, мени эсдан чиқармаганингиз учун катта раҳмат. Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шуни айтишим мумкинки, журналист фақат ўз кўзи билан кўрган воқеаларни ёзиши керак. Журналист кўп китоб ўқиши керак. Ўз қирраларини очиши зарур.

Кекса педагог, журналист Тоҳир Зуфаров оила аъзоларига — “Ҳар бир тийинни кўзларимнинг нури билан топганман”, — деб ҳазиломуз сўзлар эканлар.

Улар икки фарзанд, 5 нафар невара, 1 эвара кўриш бахтига муяссар бўлганлар. Бизга Тоҳир аканинг қизлари Феруза опа оталаридан ёшликларида эшитган турли-туман воқеа-ҳодисаларни сўзлаб бердилар.

Файзли хонадонни ажойиб туйғулар ила тарк этдик.

Музаффар АКРОМОВ,
Анвар УСМОНОВ,
Тошкент Давлат санъат институти талабалари.

СУРАТДА:
Тоҳир ота эваралари Алишер ва неваралари Индира ҳамда қизлари Феруза билан.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили. Шу боис ушбу саҳифамизни журналистикамиз фахрийларига бағишлашга қарор қилдик.

Бағишлов

ҚАЛАМ СОҲИБЛАРИГА

Бу Ватаннинг ўнг қўли — Сизлар.

Ўнг қўл бўлар ҳар ишга қодир,
Ўнг қўл бўлар ҳар ишда моҳир.
У — журналист, у — машҳур шоир,
Фақат унга хизмат ярашгай.

Бу Ватаннинг ўнг кўзи — Сизлар.

Ўнг кўз кўзлар доим нишонни,
Ўнг кўз фарқлар яхши-ёмонни,
У асрайди жумла-жаҳонни,
Фақат унга ҳиммат ярашгай.

Бу Ватаннинг янгроқ сози — Сиз.

Соз — дилларга малҳам бўлади,
Соз — йўлларда ҳамдам бўлади.
У оромбахш, хуш дам бўлади,
Фақат унга раҳмат ярашгай.

Бу Ватаннинг юлдузи — Сизлар.

Юлдуз яшар ҳамиша уйғоқ,
Юлдуз берар энг тўғри сабоқ.
У — вафодор, у содиқ ўртоқ,
Ёлғизликда суҳбат ярашгай.

Бу Ватаннинг суянч тоғи — Сиз.

Тоғ кўтарар ҳар қандай юкни,
Тоғ қайтарар иссиқ-совуқни.
У ўлим деб билар ҳордиқни,
Тақдирига заҳмат ярашгай,
Эл эъзози, ҳурмат ярашгай!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси,



Фарида Усмонова бир гуруҳ журналистлар ва адиблар даврасида.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Қисмат

ТАШАККУР

Шу кунларда кекса кўнглим ҳар қачонгидан осойишта. Хотиржам ҳис этмоқдаман ўзимни.

Яқингинада Афғонистон воқеалари кўнгилга ташвиш солиб турганди. Шукрлар бўлсин, инсоният тинчлигига раҳна солиб турган хунрез террорчилар тормор этилди. Неча йиллаб жафо чеккан афғон халқи ниҳоят эркин нафас олди. “Қўшнинг тинч — сен тинч” деб шуни айтадилар-да...

Тинчлик-осойишталикка не етсин. Элинг-элатинг тинч бўлса, қут-барака ҳам, кўнгил хушлиги ҳам ўзидан ўзи келади.

Истиқлол деганда нени тушунаман, ҳис этаман?

Буни менинг кўпни кўрган, ҳаёт аччиқ-чучугини бошидан кечирган шикаста кўнглимдан сўранг. Эркинлик, ўз юртингга ўзинг эгалик қилиш туйғусини бу ҳуррият кунларга ташна қалбимдан сўранг.

Ниҳоят биз ўзбеклар ўз юртимиз — тарихи буюк, замини бебаҳо макон эгасимиз. Ўз юртида сиқилиб, қимтиниб, овозингни чиқаришдан, қалбингдаги аламни баралла изҳор этишдан қўрқиб яшаган қизил империя кунлари хайриятки, ортда қолди. Унинг дастидан кимлар азият чекмади. Ўзбекнинг асл фарзандлари, маърифатпарвар зиёлилари бегуноҳ отилди, сургун қилинди. Ноҳаклик, зулм зулмати халқни қўрқоқ, итоаткор қилганди. Ҳар доим адолатсизликдан ҳадикда яшадик. Шукрлар бўлсин мустақилмиз.

Мустақил ҳаётнинг қадри-қийматини, айниқса ноҳақ тазйиқни бошидан кечирганлар яққол ҳис этади. Бизнинг ёшдаги кекса борки, ўша кунлар ваҳимасини бошидан ўтказган. Шундандир кўнгиллар нозик.

Юртбошимиз кекса кўнглимиздаги кемтикни пайқаб “қарияларни қадрлаш” зарурлигини ўз вақтида сезгирлик билан баён этди. Шундай тадбир қўлландики, бу элимиздаги барча кексаларга кўрсатилган меҳрибонлик бўлди. “Қарияларни қадрлаш йили” деган сўз нафақат давлат, балки фарзандлар, қариндош-уруғ, қўйингки, ҳамма-ҳамма томонидан кексаларга ҳурмат кўрсатиш деган сўз эмасми, биродарлар. Бу сўзларни зўр мамнунлик билан, яна юрагимда чексиз ғурур билан баён этмоқдаман.

Бу сатрларни қоғозга туширишим бежиз эмас. Негаки, яқин ўтмишимиз тарихига доир, ўзбек халқининг бошига тушган кўргуликлардан айрим лавҳалар битгандим. Албатта, бу рисолани истиқлолга эга бўлмай туриб, юзага чиқариб бўлмас эди, қачонки юртимизда ҳуррият қуёши нур сочди-ю, “Дил фарёди”м юзага чиқди.

Қуйида ана шу романдан парча ўқигач, фикримга кўшиларсиз деган умиддаман.

Ўшанда опам билиб айтган эканлар, минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг қишига келиб шаҳарда озиқ-овқат кескин камайиб, қимматчилик бошланди. Нарх-наво кун сайин ошарди. Нон танқис. Очликдан ўлмасликнинг чораси нон — махсус “заборний” карточка билан бериларди. Жон бошига бир кунга 400 грамм. Опам бечора иккимизнинг талонимизга тегадиган 800 грамм нонни олиш учун ярим тунда дўконга чиқиб навбатда тураді. Келтирган қора булкадан нонуштада икки бурда кесиб:

— Ол, Роҳат, — дердию, мен тегишимни еб бўлгач, бурдасининг ярмини емай мен томон суриб, — сен егин, мен ҳали қозон осаман, сен кечгача тиним билмайсан. Ҳолдан тойиб қолма, — дейди.

— Опа, ундай қилманг, оч қоласиз-ку. Мен опамга ачинаман, опам менга илинади. Қозон осаман, деганлари — уч-тўрт кун аввал Ленин номли жамоа хўжалигидан озроқ қанд лавлаги олиб келгандим. У япроқ-япроқ кесиб қозонда, паст оловда пиширилади. Бир япроғи нон билан ейилса, ҳар нечук дармон доридай гап. Қанти бор-да.

— Лавлагидан ҳали борми?

— Бир дона кичикроғини асраб қўювдим.

Демак, энди лавлаги билан ҳам ўзимизни сийлай олмаймиз. Жамоа хўжалигининг аъзолари ҳам оч, яна сўрашга бетим чидамайди.

Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатлар тушди эл бошига. Кетмакет қорахат келиб турипти. Ҳар куни уч-тўрт аёл бева қоляпти. Ўн-ўн беш бола етим.

Қишлоқларга фақат ипак қурти боқиш мавсумидамас, йил бўйи қатнайман. Йилига икки бор қурт боқилади. Пиллачи қариялар онамдай бўлиб қолишган. Кўпининг ўғли жанг майдонида. Мени кўрди дегунча:

“Азаматим омон қайтсин, худо хоҳласа ўзим келиб қиламан”, деб очиқ айтишади, қучоқлаб ўпиб, бошимни силаб қўйишади. Кошки, шу гапни айтишмаган бўлса, қорахат келгудай бўлса худди унинг фарзанди ҳалок бўлишига мен сабабчидай хижолат тортаман. Очирилган қурт уруғини тарқатиб юрибман-у, Асал холаникига киргани юрак йўқ. Зокир ўғиллари ҳалок бўлгани ҳақида қорахат келибди. Кеча ишдан қайтаётиб эшитгандим. Эрта тонг хабар олай дедим. Борсам, ҳовлида ҳеч ким йўқ. Лекин боғ томонда биров ер чопаётган эди. Кетмон овозини эшитиб, боғ эшигини очиб қарадим. Асал хола ўзига-ўзи гапира-гапира кетмон чопаётган эди.

— Она, онажон! — чақирдим, дод деб юборгудай ҳолатда. У ўгирилиб мени кўрди, кетмонни ташлаб икки қўлини белига тираб қаддини ростлади. У мен томон, мен у томон кетяпмиз, ўпкам тўлиб боряпман, у ҳам ўзини аранг тутиб қучоқ очиб келяпти. Бағрига отилдим...

— Болам, нури дийдамдан ажралиб қолдим, Роҳат — ҳиқиллади. Унинг бағри ёнарди. Ич-ичидан чиқаётган аланга ҳовури нафасимга урилгандай бўлди. Бурунлари, лаблари титрар, ажинлар орасидан шашқатор ёшлар томарди. Оҳ, кексалар йиғламасин экан, улар фарёд чекса бутун олам мотам остида қолар экан. Етаклашиб айвон четига келиб ўтирдик.

— Нима, чопаётгандингиз, онажон, чарчаб қоласиз-ку!

— Оҳ! Қизим-а, кулфатимни иш билан енгайинда, қандоқ қилай йиғламай, қарилар қолиб ёш йигитлар кетяпти, увв!!! Онанг ўлсин болам!

Оҳу-зорга чидаш қийин, ўзим ҳам ҳиқиллаб-ҳиқиллаб уни қучоқлаб олганман:

— Онажон, бўлди, йиғламанг, ишонманг қорахатга, ўғлингиз тирик, қорахат ёзганлар адашган бўлса-чи, — бироз ҳовуридан туширгим келарди.

Шу куни уйга ниҳоятда хафа қайтдим. Ҳар куни кўрган-кечирганларим бири иккинчисидан даҳшат, қонхўр фашист тинч аҳолининг шўрини қуритар, йигитларимиз қирғин-баротга учраётгани етмагандай уруш ортида ҳам уруш-дагидай аҳвол ниҳоятда оғир.

Фарида УСМОНОВА.

Матонат

НАФАҚАДАГИ ИЖОДКОР

— Ассалому алайкум, Яйра опажон!

— Ваалайкум ассалом. Яхшимисиз, синглим. Сиз йўқлаб турасиз, Холида опа, Қурбоной опа, “Ғунча”дагилар йўқлаб туришади. Раҳмат ҳаммаларингга. Бир-бирини йўқлаб, хабардор бўлиб туриш, қандай яхши!

Устозим, қадрдон дўстим Яйра опа Саъдуллаева билан телефонда узоқ суҳбатлашдик. Нафақада бўлсалар ҳам Яйра опанинг қувноқ, тиниқ овозларини радиода эшитиб қоламан. “Музайяна опагинам” мақолалари “Ҳуррият”да чиқди. Бирам хурсанд бўлдим. Негаки, опа эсимиздан унутилаёзган, маънавиятимиз гултожи бўлган улуғ бир инсонни қайта ёдимизга солган эдилар.

Нафақадаги ижодкор. У ҳали ўзини тўрт қават кўрпачада дам олиб, кўнгил ичиб, роҳат қилиб ўтираман дейишга чоғламайди. У ўзини ҳали ҳам забардаст, жўшқин, жанговар, жамиятга керак деб ҳисоблайди, у ёзиши, айтиши керак бўлган зарур гаплар жуда кўп, энди тиниққан фикрларини жўшиб айтиш иштиёқида ёнади. Ана шуларни эътиборга олсак, 30—40 йил бир таҳририятда ишлаб нафақага чиқаётган ижодкорнинг қалбида қандай ғалаёнлар, эврилишлар кечишини сезиш қийин эмас. Бувим айтардилар: “Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек”. Бу гап заминида қанчалар маъно борлигини энди тушуниб етаман.

“Мен нафақага чиқсам, қўлимга қалам олмасам керак, деб ўйлардим, — дейдилар Холида Аҳророва. — Лекин мустақиллик шарофати билан мен журналист сифатида қайта туғилгандек бўлдим. Қўлимга қалам олиб, архив материаллари орасига шўнғиб кетдим. Қатағон қурбонлари ҳақида ёш авлодга сўзлаб беришим керак. Мен тинч ўтиролмадим. Бу вазифани мен — қатағон қурбони Саид Аҳрорийнинг қизи уддаламаса ким қилади, деб ўзимда куч топиб ижодга, тинимсиз изланишга ўзимни урдим. Шу меҳнат туфайли “Қор қўйнида лолалар”, “Саид Аҳрорий” каби бир неча китоблар дунё юзини кўрди”.

Нафақага чиқиб ижод майдонида жавлон уриб юрган бундай аёллар озмунчами? Яйра Саъдуллаева, Раҳима Шомансурова, Дилбар Маҳмудова, Санъат Маҳмудованинг “Ҳуррият”, “Оила ва жамият”, “Соғлом авлод” ва бошқа матбуот саҳифаларида берилаётган мақола, ҳикояларини ўқиб, Муқаддас Абдусаматованинг радиода овозини эшитиб, “балли ҳамкасблар” деб тасаннолар айтасан ва сенда ҳам озгина “қизғониш” пайдо бўлади. Ва сен ҳам бўш келмайсан, ёзишга чоғланасан.

Нафақадаги ижодкорга асли нима керак?

Жиндек эътибор. Шунинг ўзи унинг кўнглини арши аълога кўтариб юборади. Ундан энди ижодий сафарбарликни сўранг, нафақадаги ижодкор ана шуни кутади. Уни йўқлаб, мана шу нарсани сиз уддалайсиз, шуни сиз ёзиб беринг, дейишса борми, унга бундан ортиқ бахт йўқ.

Бир таҳририятга бундан 20—30 йиллар аввал бош муҳаррир бўлиб ишлаб кетган киши ҳикоя олиб келибди. Кўрсаки, ҳаммаси ёшлар. Ҳикоясини олиб қолишибди. Бир ой кутибди, икки ой кутибди, ҳикояси чиқмабди. Кейин ўзи тенгги бошқа таҳририятда ишлаб юрган тенгдошига “ёрилибди”. У дарҳол ўша таҳририятга кириб, “бу киши шу ерда бош муҳаррир бўлган, 29—30 йил сизларга ўхшаб ёшлигини ана шу ерда ўтказган”, деб тушунтиргач, ҳикояни қидириб топиб чиқаришган экан. Кўрдингизми, аввалги авлоддан ҳеч ким қолмагани учун бу таҳририятда яхши бир анъана йўқ бўлиб кетган.

60-йиллар “Муштум” журналида Мирмуҳсин домла бош муҳаррир эдилар. Таҳририятда уч авлод вакили кенжа, ўрта ва ёш авлод ҳам бор эди. Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Ғайратий, Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Сами Абдуқаҳҳор ва бошқа фаоллар сал кўринмай қолишса, Мирмуҳсин домла дарров хабар олдиртирар ёки бориб асар ундириб келинглар, буларнинг айтадиган гапи кўп, булардан олиб қолиш керак, дердилар.

Жиндек эътибор журналист кўнглини арши аълога кўтариб юборади!

Ҳажвчиларнинг иккинчи авлоди Олим Қўчқорбеков, Мухтор Худойқулов, Ямин Қурбон, Абдулла Исомиддиновлар ана шу улуғ инсонларнинг ижодий дарсидан баҳраманд бўлган, уларнинг эътиборига тушиб, устозшогирдлик анъанаси шаклланган эди. Ундан кейинги ёш авлод — биз эса бу феъли кенг, қалби дарё бир нарса ёзсанг қувониб, далда берадиган икки авлоднинг бизга кўрсатган меҳридан олам-олам бахтиёр эдик.

Иброҳим Раҳим (охиратлари обод бўлсин!) “Муштум”га бош бўлиб келганида, юқоридаги анъанани давом эттириб, байрамларни оилавий кутиш анъанасини бошлаб берди. 70-йилларда жамоада ишлаганлар, бири-бирини, оиласини, фарзандларини жуда яхши биларди, ҳатто борди-келдилари бор. Ана шу бизнинг азалий миллий қадрият! Қадриятни ижодкор жамоасида, ўз ҳаётида, ижодида намоён этмаса, бу иккиюзламачилик, буқаламунликка айланади.

Ижодкор қадрият ҳақида ёзар экан, сўзлар экан, эл олдида бунга ўзи амал қилмаса, энди у ёлғончи бўлади. Халқимиз ижодкорга, зиёлига жуда катта ишонч билан қарайди. Агар ёзганларига амал қилмаса, бундай журналист, ёзувчидан кўнгли қолади, қўлини ювиб, қўлтиққа уради.

Тибетликларда нафақага чиққан кишининг иш столига ҳеч ким бориб ўтирмас экан. Бу фалончининг жойи, деб сақлаб қўйиларкан. Нафақадаги киши эса, хоҳлаган пайтида ўша иш столига келиб ўтириб, маслаҳат бериб, ишга келгандек кўмаклашиб кетар экан, негаки, у ўзини ҳали жамоага керак инсон сифатида ҳис этаркан. Нафақадаги инсон ана шундан таскин, тасалли топса не ажаб? Нафақадаги одамни “чиқит”га чиқариб юбориш инсофдан эмас.

“Муштум”да ишлаб турганимда Аббос Муҳиддин, Зоҳиджон Шокиров, Олим Қўчқорбеков, Абдулла Исомиддинов нафақага чиқишларини — ижодкорнинг нафақага чиқишини осон фаҳмлаган эдим. Улар узоқ йиллар шу таҳририятда ишладилар, “Муштум”нинг энг оғир кунларини бошдан кечирдилар. “Шукр қилиб, маза қилиб, дам олиб ўтирмайдими?” — дегувчилар бўлганида, “кексайганида ишласа, малол келар экан-да бошқаларга, пенсия ёшига етсам бир кун ишламайман”, деган эдим. Юқоридаги ижодкорлар кўп таъна-маломатларга қолдилар, лекин бор-е, деб ишдан қўл силтаб кетмадилар. Негаки, бу даргоҳ улар учун қутлуғ даргоҳ эди, шу ерда ёшликлари кечди, ижодлари гуллаб-яшнади. Жамиятда катта ўзгаришлар юз берганда ижодкорнинг ҳаётида ҳам шундай бурилиш нуқталари бўларканки, у ана шу даврда “Мана мен” деб жасорати, истеъдоди билан ялт этиб кўриниб қоларкан. Юқорида номи зикр этилган ҳамкасбларимиз ҳам “Муштум” ҳаётида маълум бир ижоди билан ўз ўрнини топган ижодкорлар эди. Улар билан жамоа тўлиқ, файзли, ижодий мусобақа билан бой эди. “Муштум”да ҳали-ҳанузгача устозлар анъанаси давом этиб келади. Нафақадагиларни йўқлаб, ижодга чорлаб туриш, бир пиёла чой устида суҳбатлар давом этиб туради.

Нафақага чиқиш ижодкор учун фожиами? У бола-чақасидан тинганми? Ижоддан-чи? Нафақага кузатиш бош муҳаррир учун, жамоа учун осон эмас. “Қандай қилса, унинг кўнглини қолдирмай, руҳиятини сўндирмай чиқариш мумкин?

Бир ҳамкасб дугонамга: “Сизни юқоридан пенсияга чиқсин, деб айтишди, бўлди энди, дам олинг”, - дебди бош муҳаррир чақириб.

Бу сўз аёлнинг жон-жонидан ўтиб, ўша ердан ўзини ўзи зўрға тутиб чиқибди-ю, дарҳол ҳужжатини расмийлаштириб, қорасини қайта кўрсатмабди. Кейин қанча сипориш қилсалар ҳам нафақадаги ижодкор аёлга татимабди. Кўнгил — коса, синса, уни чегалаб бўлмайди.

Ёқут Раҳимова “Ғунча” журналига бош муҳаррир бўлиб келди. Бир кун у собиқ бош муҳаррирлар, фаоллар, болалар ижодкорларини таҳририятга чорлади. Шу ерга бориб Ёқутхондан жуда хурсанд бўлдик. Хонада “Ғунча”нинг собиқ бош муҳаррирларининг суратлари осиғлиқ турарди. Бу ерда уч авлод жамулжам бўлган эди. Ҳамма бир-бирини кўрди, ўтганларни ёдлашди, Қуръон тиловат қилишди, дийдорлашди, фикрлашди, фаол бўлишга бир-бирини ундаб, руҳи кўтарилиб чиқди. Ана шундай анъана ҳар бир таҳририятда борми? Нафақага чиқиб кетганларни унутмадингизми, азизлар? Асл қадрият ана шу эмасми? Бу қисқа умрда бир-бирини ардоқлаб, қўллаб-қувватлаб юрганга не етсин!

Қутби НОСИРОВА.



Муносабат

Ростдан ... алдаяпсизми?

Гулчеҳра опамиз ("Озодлик" радиосидан) байрам арафаси "Гулистон" журналининг янги сонини топа олмай а-анча овора бўлибдилар, қатор таниш-билишларидан сўраб-суриштиришлари ҳам натижа бермабди. Ким билсин, одам излаган нарсасини дарров топа олмаса, хуноби ошиб, асаби таранглашади ва ... ўша матоҳ топилган тақдирда ҳам кўзига балодек кўринади, деганлари тўғримикан?.. Таранг тортилган асаб икки қош ўртасида тугун ҳосил қилгани ростдирки, дастлаб журнал муқовасидаги беозоргина кулиб турган беғубор болакайнинг суврати ёқмайди. Кейинги саҳифадаги икки инсоннинг самимий жилмайиб турган сувратидан ҳам хуноби ошади: "Улар ҳам табассум қилиб туришибди". Тасаддуғингиз кетай, опагинам, нима тарихий лаҳзаларни бошдан кечираётганлар кулмай хўмрайсинларми?! Ёхуд, андак иддао ила айтмиш "бўйига ҳам, энига ҳам кенгайган" журналда қовоғидан қор ёғаётган касларнинг расми берилиши керакми?

"Ҳуррият" аввалги сонларида таъкидлаганидек, "Гулистон"чилар "журнал чиқариш мана бунақа бўлади", дея кўкрагига ураётгани йўқ, бор йўғи, яхши ният ва тоза иштиёқ билан журнал мазмунмундарижаси, шакли устида қўлдан келганича тер тўкаётгани, бу борадаги ишлари янаям салмоқлироқ бўлиши учун кўзга кўринган зиёлиларни, маърифат фидойиларини чорлаб, таклиф-мулоҳазаларини билиш ниятида тадбир ўтказишининг нимаси ёмон?

"Гулистон" 77 йиллик тарихга эга. Бу давр мобайнида мўътабар даргоҳда не-не улуғ адибларимиз меҳнат қилган, уларнинг заҳматлари натижасида қанчадан-қанча ажойиб ижодкорлар кашф этилмади. Хуноб бўлган опамиз буни бошқалардан кўра юз чандон яхши билар... Аввалги яхши қадриятларни тиклаш, дунёқараши лат емаган янги авлодларни кашф этишга бел боғлаган ҳамкасбларимизнинг ҳаракатлари ўринли эътирофга лойиқ эмасми?

Журналнинг янги сони ўзига хосликка даъво қилмас. Бироқ унга синган меҳнат, изланишлар замиридаги заҳматнинг бошқа ОАВлардаги эътирофи опамизнинг ғашини келтириши кўпам ўринли бўлмаса керак, ахир.

Недандир норози қош чимириб, журнални нари-бери варақлаганча э-энди битта сон чиқаришга улгурилган бир пайтда "муҳаррир ўзгаргани билан моҳиятда ўзгариш бўлмаган", дея ҳукм хулоса ясаш, жуда юмшоқ айтганда, инсофдан эмас-ку!..

Модомики, журнал янгича қиёфада, фақат олий эмас, оддий маълумотли инсонлар учун ҳам холис минбар бўлиши йўлида изланаётганлар учун кўпиртирилган танқиддан кўра, қуюлтирилган таклиф, мулоҳаза минг карра фойдалироқ.

Нодир МЎМИНОВ,
Зилола АБИЛОВА

Ҳангома

МУХБИРНИНГ БИР КУНИ

Ёш журналист Толмас Қўймас шаҳардаги бармоқ билан саналадиган ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида бир нима ёзишни кўнглига тугди-ю, яхши ният билан остона ҳатлади. Аммо у ҳали бирлашмага кирар-кирмас турган жойида қотиб қолди.

— Тўхта йигит, сенга ким керак? – деди қўлидаги пиёласини ушлаб турган қария.

— Мен газета таҳририятиданман, бирлашма ҳақида очерк ёзмоқчи эдим. Шунга катта бошлиққа кириб кетяпман, деди Толмас қоровулга юзланиб.

— Нима, катта бошлиққа? – тикилди отахон пиёлани дастурхонга қўйиб. — Э-э боласи тушмагур-ей, ёшсан-да, ёш. Катта бошлиққа ҳали йўл олис. "Осмон узоқ, ер қаттиқ" деган мақолни эшитганмисан ўзи? – деди отахон мухбирни аста имлаб чақираркан.

— Эшитганим бор.

— Унда сен ишни ҳў-ў анови пойгакдаги биринчи хонадан бошла, – деди шивирлаб.

— Толмас Қўймас қари билганни пари билмас деб хаёлидан ўтказди-да, хона эшигини дадил очиб, ичкарига кирди. Кенггина хонани остонасида ўтирган чувакроқ аёлга мақсадини айтганди:

— Жоним билан, ука, бизда соф фойда олишнинг йўли жуда кўп. Аммо мен бу ерда атиги кичик ҳисобчиман, холос. Катта ҳисобчига учранг, - деб ёнидаги кишига ишора қилди.

Катта ҳисобчи бош ирғаб овора бўлиб ўтирмади, кўзлари билан хона тўрида кенг стол ортида компьютер экранидан кўз узмай ўтирган боши ялтироқ, қорни бироз дўппайган бош ҳисобчини кўрсатди.

— Хўп хайрли ишга қўл урибсиз, ука, яхшиликни қаламга олган мухбир зоти икки дунёда кам бўлмаган. Лекин бизнинг ҳисоб-китоб бўлимимизда соф фойданинг нақд рақамларигина мавжуд. Бироқ унга қандай эришилганини иқтисод ва ишлаб-чиқариш бўлимигина тушунтириб бера олади.

Исми жисмига монанд Толмас бошлаган ишини қўймай бўлимнинг кичик ходимидан каттасигача қўл бериб чиқди. Тушлик вақти кириб, хоналар ҳувиллаб қолди. Лекин унга раҳбарнинг қорасини кўриш насиб этмади.

Тушликдан сўнг Толмасвой ишни ҳуқуқшунос эшигини тақиллатишдан бошлади.

— Тўғри, мен бирлашманинг юридик маслаҳатчисиман. Аммо ҳар касбнинг ўз усқабулига йўллади. Бахтга қарши бирлашманинг иккинчи шахси:

— Мана, ука ғаладон тўла қоғоз, ҳар варағида миллион сўмлик соф фойда битилган. Фақат одобдан эмас, бирров бошлиқнинг олдидан ўтмасам бўлмайди, - деди у қўлларини ёзиб.

Тушликда туз тотмаган Толмас, ниҳоят кечки овқат маҳали катта бошлиқ ҳузурига киришга муваффақ бўлди.

— Хуш келибсиз, мухбир ука, табриклайман, Сиз бизни ишхонага яхши ният билан келган биринчи мухбирсиз! Яшанг! Рақамлар билан танишишга албатта рухсат берамиз. Бергандаям иккиуч рақам эмас, қопи билан етказамиз. Мен ҳозир Қоринбой, э-э нималар деяпман, Норинбойга тайинлайман, деб аста телефон гўшагини кўтарди. Бироқ Норинбой аллақачон уйида ҳузур қилиб овқатланиб ўтирарди.

Бошлаган ишни охирига етказаман, дея оч-наҳор қолган ҳамкасбим Толмас Қўймас ҳам уйига кела солиб, апил-тапил овқатландида, очеркка керакли рақамларни олгунча, фурсатни бой бермай шартта ҳажвия ёзиб ташлади...

Ўткир ЖЎРА.

Ифтихор

СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Икки йилдирки, касб байрамини йилда икки бор нишонлайман. Бири 3 май Бутунжаҳон Матбуот эркинлиги куни, иккинчиси 27-июнь Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни. Ҳар гал пойтахтдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармаси томонидан юборилган таклифномани оларканман кўнглим тоғ қадар юксалади. Чунки бундай нуфузли анжуманга республикамиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган энг иқтидорли, энг фидойи журналистларгина таклиф этилади. Бу даврада мен ўзим ҳавас қиладиган, чин юракдан ихлос қўйган ёниқ ва ҳақ сўзни ҳар қандай вазиятда ҳам айта оладиган миллий матбуотимиз фидойилари билан учрашиш, дийдорлашиш, уларнинг матбуотимиз эркинлиги, равнақи, касб масъулияти ҳақидаги жўшқин фикр-мулоҳазаларини эшитиш бахтига муяссар бўламан.

Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан пойтахтдаги ҳашаматли "Интерконтинентал" меҳмонхонасининг биллур залида ўтказилган бу йилги конференциядан ҳам бир олам таассуротлар билан қайтдим.

Бу йилги конференциянинг мавзуси "Терроризм ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги"га бағишланди. Анжуманда БМТнинг бош котиби Кофи Аннан, ЮНЕСКО Бош директори Коитиро Мацурра, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Мэри Робинсоннинг қўшма мактуби ўқиб эшиттирилди. Мактубда "Кейинги икки йил мобайнида ҳар йили қақшатқич можароларни ёритаётган 50 дан ортиқ журналист қурбон бўлмоқда. Журналистлар ўлими кўп ҳолларда ҳарбий ҳаракатларга боғлиқ бахтсиз ҳодиса бўлмай, балки оммавий ахборот воситаларида ўзларининг жиноий, коррупцияга тегишли ёки террорчилик фаолиятларини ёритилишига йўл қўймаётган кимсаларнинг қасд қилишлари натижаси бўлмоқда. Кўплаб фожиали воқеалар ичида Даниэл Перлнинг аянчли тақдири журналист касби қанчалик хатарнок бўлиши мумкинлигига яққол мисол бўла олади" — деган сатрлар вужудингизга титроқ солади. Юқоридаги мисоллар чет эл, аниқроғи бутунжаҳон миқёсидаги гап.

Мустақил Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ўз ўрни, матбуот ходимларининг ўзига хос қадр-қиммати бор. Касбини қадрлайдиган, ҳақ ва адолатни эътиқод даражасига кўтарган қалам аҳлини доим эл қадрлаган. Бироқ танқид, ҳақ сўз доим ҳам ҳаммага ёқавермайди. Ҳатто, зўравон эркак, вазифасига нолойиқ, лекин ҳокимият қўлида бўлган раҳбарнинг ноҳақлигини била туриб, суд-ҳуқуқ органлари ҳам тарозининг оғир палласига қараб ён босишади. Касби туманидан бир мушфиқ аёлни ҳимоя қилиб 1987 йил ойлаб судга қатнашганим, 1998 йил раҳбар маънавияти ҳақидаги мақолам туфайли тазйиққа учраганим азоби, алами бир умр эсимдан чиқмаса керак. Лекин ҳар гал ҳақлигимни ҳимоя қилиб чиқаолганим, бахтимга вилоятда матбуотни, ҳақни, ҳалолликни қадрига етадиган раҳбарлар пайдо бўлганлиги мушкулимни осон этди.

Журналистлик осон касб эмас. У ўзини сўз, ҳақиқат шамшири билан қиймалаб яшаш дегани. Умрни эговлаб, кўз нурини, қалб қўрини тўкиб яшаш дегани. Шу боис ҳам ҳали юрак хуружи, ҳали қон босими ошганлиги сабаб ёш касбдошларимиз сиёҳи қуримаган сатрларни бизга қолдириб бу дунёдан кетишлари, уларнинг заҳматли меҳнати ўз баҳосини олиб улгурмагани юрагимга оғриқ беради.

Мактубдаги "Терроризмга қарши курашга оммавий ахборот воситаларининг қўшадиган энг ажойиб ҳиссаси — бу уларнинг эркин, мустақил ва ғоят масъулиятли хизматларидир. Демак, бу — улар пўписалардан қўрқмаслиги ва ватанпарварлик кайфиятларининг оддий ифодачиси ёки иғвогар уяси бўлиб қолмаслиги керак, деганидир. Аксинча, оммавий ахборот воситалари одамларга ҳақиқатни кашф этиши ва етказишлари, ахборот ҳамда фикр-мулоҳазаларни бегараз тақдим этишлари, ёзиладиган, айтиладиган, кўрсатиладиган манбалар мазмуни пухта ўйланган бўлиши керак" деган сатрлар кишини ўз-ўзини сўроқ қилишга, тафтиш қилишга ундайди. Зеро, ҳақ ва ёниқ сўз масъулияти нима, доим ҳам мен бу ҳаётбахш сўзларни дадил айтаоляпманми, деган саволлар бизни тинч қўймаслиги, сергаклигимиз билангина ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишимиз мумкинлигини юрак-юракдан ҳис этиб яшамоғимиз керак.

Мен бугун миллий матбуотимиз ходимларини аньанавий касб байрамлари билан чин дилдан қутлар эканман, уларга сўзи, қалами эл корига яраб, заҳматли меҳнати ҳузурини кўриб, узоқ яшаш бахтини тилаб қоламан.

Сайёра ЗОИРОВА.
Қашқадарё.



ЎзТВ мухбири Инобатхон Нормуродова учун 27-июн қўшалоқ байрам. Зеро ушбу кун унинг таваллуд айёми ҳамдир. Ўнгда телетасвирчи С. Зиёмуҳамедов.

"Ҳуррият" — TV

"ДИЙДОР"НИ СОҒИНИБ

Замонавийлик тақазоси билан инсон умрининг ўн тўрт йилини TV томошасига сарфларкан. Камина томошага махсус вақт ажратишни хушламасам-да, зарурат юзасидан ёхуд касбий қизиқиш сабаб ЎзТВнинг ўзим ҳурмат қиладиган каналини бир-бир кўздан кечираман. Ва аксарият ҳолатларда... энсам қотади. Бироқ ҳозир гап мутлақо бу хусусида эмас.

Yoshlar телеканали орқали 20 июнь куни берилган "Дийдор" кўрсатуви мен учун том маънода кашфиёт бўлди. Кўрсатувнинг номланишидан тортиб, йўналиш-услубигача, бошловчи маҳоратию режиссёр дидигача — барчасидан кўнглим тўлди. Шу пайтгача бундай яхши кўрсатув борлигини билмаганим озроқ алам ҳам қилди.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев билан бўлган қисқа суҳбат адабиёт ҳақида борганиданми, кўнгилда китобга нисбатан янада нозик ҳисларни уйғотганиданми кўрсатув менда яхши таассурот қолдирди. Гарчи адибнинг айрим фикрларига қўшилмасам-да, унинг бугунги адабиёт, айниқса, проза хусусидаги фикр-мулоҳазаларини адабий жараён холис таҳлил этилган мўъжаз тадқиқотга ўхшатдим. Суҳбатда адиб бир нечта ҳикоя сюжетларини "оғзидан гуллаб" қўйганини сезмай қолди: бунинг учун... "Дийдор" бошловчиси — Озода Тўрақуловага раҳмат! Катта адибни ҳаяжонга сола билишнинг, ичидан гап "тортиб" олишнинг ўзи бўлмайди! Бунинг учун журналистга махсус тайёргарликдан ташқари яна камида вазиятни психологик таҳлил эта олиш кўникмаси зарур.

Адибнинг инсон эрки, ижод ҳаяжони ва ҳаёт фалсафаси хусусидаги фавқулодда самимий ва шаффоф фикрлари адабий "гийбат"ларни соғинган кўнгилларга таскин — тасалли берди...

Норали АСЛОН

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
"РАХТАВАNK"
барча журналистларни
ва азиз халқимизни
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан
чин юракдан муборакбод этади!
Молия муассасалари, банкларга
халқимиз ишончини юксалтириш,
мамлакатимиз иқтисодиётини
тараққий эттиришдек эзгу ишда
"РАХТАВАNK"
доимо Сиз билан ҳамкордир!

Дараклар



ХАВФ МАВЖУД

Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (АЭХА) ўтган сешанба куни террорчилар радиактив бомба яратиш учун материалларни исталган мамлакатдан топиши мумкинлигини маълум қилди.

Бадниятлар, масалан, оддий портловчи мосламани саноатда ёки тиббиётда қўлланаётган радиактив материаллар билан қўшишлари эҳтимолдан холи эмас. АЭХА вакилларининг баёнот беришича, дунё давлатларининг юздан зиёди таркибида изотоплар, кобальт-60, стронций-90, цезий-137, иридий-192 мавжуд бўлган радиактив моддалар устидан етарли назорат ўрнатолгани йўқ.

АЭХЭ вакили Марк Гвоздецкининг Би-би-си мухбирига таъкидлашича, агентлик 82 мамлакат раҳбариятига мурожаат қилиб, радиактив материаллар устидан назоратни кучайтиришни сўраган. 50 дан ортиқ мамлакат эса ҳалича агентликка аъзо бўлгани йўқ.

МАРОКАШДА СУД БОШЛАНДИ

Чоршанба куни Касабланкада Саудия Арабистони уч фуқароси ва уларнинг марокашлик хотинла-



ри ҳамда яна бир Марокаш фуқароси устидан суд бошланди. Улар Марокаш ҳудудида террорчилик содир этишга уринишда айбланмоқдалар.

Айблов тарафи саудияликлар марокашлик ҳамтовоқлари билан биргаликда НАТОнинг Гибральтар бўғозидаги кемаларини портлатиш, Марокашдаги автобусларга ҳужум қилиш, шаҳардаги марказий масжидни яксон қилиш режаларини тузишган, деган фикрда.

Адвокатнинг таъкидлашича, саудияликлар ўзларининг "Ал-Қоида" аъзолари бўлишганини тан олган.

К.АННАН: АВВАЛ ТИНЧЛИК, СЎНГРА ИСЛОҲОТ

БМТ Бош котиби К. Аннан АҚШ Президенти Ж.Бушнинг Яқин Шарқдаги вазият ҳақидаги баёнотига муносабат билдирар экан, муаммо ечимини Фаластин раҳбариятидаги ислоҳот билан боғлаш тўғри бўлмаслигини айтди.

Унинг фикрича, ҳозир сайлов ўтказиш учун вазият яхши эмас. Овоз бериш оқибатида ҳукуматга радикал кучлар келиб қолиши мумкин. Шу боис муаммо ечимида БМТ, АҚШ, ЕИ, Россия алоҳида ўрин тутиши, Бушнинг тинчлик ташаббусларини рўёбга чиқариши керак.

Фаластин раҳбари Ёсир Арафот эса "Фаластин тақдирини фақат ўз халқимиз ҳал этиши керак. У ўз етакчиларини ҳам ўзи танлайди",-дея баёнот берган.

МАСХАДОВ ТАКЛИФИ РАД ЭТИЛДИ

Чечен исёнчилари етакчиси Аслан Масхадов Чеченистонда урушни тўхтатиш юзасидан янги таклифларини билдирди.

Би-би-си мухбири хабарига қараганда ушбу таклифлар Россия раҳбарияти томонидан рад этилган.

А.Масхадов алоҳида мурожаатда жаҳон мамлакатлари раҳбарларига Канадада бўлиб ўтаётган катта саккизлик етакчилари учрашувида Путинга босим ўтказишга даъват этган. Бироқ Россия Мудофаа вазири Москва Масхадов билан у таслим бўлсагина гаплашишини, суҳбатдош сифатида унга прокурор муносиблигини айтган.

Таҳлил

ДЕМОКРАТИК МАТБУОТ МАНЗАРАСИ

Умрбоқийлик матбуот эркинлигида, деб ҳисоблайди америкаликлар

Икки асрлик тажриба

Сўз фикр эркинлиги ҳақида борар экан, кўпчилик тасаввурида, энг аввало, Америка Қўшма Штатлари матбуоти пайдо бўлиши бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам АҚШ матбуоти бошқа ривожланган давлатларга қараганда ҳукумат томонидан ўтказиладиган турли таъсир ва чеклашлардан холи. Бу эркинлик биринчи навбатда Америка оммавий ахборот воситалари мақомининг конституциявий кафолатлари билан боғлиқ. Асли журналист, кейинчалик Қўшма Штатлар президенти бўлган Томас Жефферсонинг саъй-ҳаракати, муросасиз курашларидан сўнг Америка конституциясига "биринчи қўшимча" сифатида "Конгресс... сўз ва матбуот эркинлигини чекловчи қонунлар қабул қила олмайди" деган модда мамлакат ОАВ эркинлигининг асоси бўлиб қолди. Агар ушбу модда моҳиятига диққат қилсак, у фуқаролар ҳуқуқини ҳимоялашни эмас, балки кўпроқ ҳукуматнинг матбуот эркинлигига қарши ҳаракатларини ман этишни назарда тутади. Яъни муаллифларнинг зукколиги, зийраклигидан далолат берувчи "биринчи қўшимча" сўз, матбуот эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан кенг талқин қилишга имкон беради. Бу модда фақатгина конгресснинг матбуот эркинлигига қарши қонун қабул қилишини ман этмайди. Шу билан бирга давлат ҳокимиятининг барча органлари, суд, ижроия ва маъмурий ҳокимият чиқарадиган қарор, фармойиш, буйруқлар ҳам "биринчи қўшимча" талабларига жавоб бериши кераклигини назарда тутади. АҚШда ОАВ билан боғлиқ суд ишлари ҳам шу нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Масалан, матбуот қадр-қимматимни таҳқирлаган деб ҳисобловчи фуқаро журналист ёки ОАВ устидан судга арз қилиши мумкин ва у, энг аввало, ўзи илгари сураётган айбловларни асослаб бера олиши лозим. Бу эса оловни мой сепиб ўчиришни кўзлашдек гап. Чунки жабрланувчида шикоят қилиш ҳуқуқи бўлганидек "сўз заргарлари" – журналистларда ҳам ҳимояланиш ҳуқуқи мавжуд. Шунингдек, журналистлар ҳимояси учун бир қатор имтиёзлар ҳам борки, улар матбуот эркинлиги ва шахс қадр-қиммати масалалари тўқнашганда ОАВга қўл келади. Масалан, расмий ҳужжатларда баён этилган маълумот, парламент, ҳукумат, полиция биноларида билдирилган фикр, суд, прокурорнинг суд жараёнида айтган сўзлари асосида тайёрланган материал ҳақиқатга тўғри келмаса, журналист жавобгар ҳисобланмайди. 1970 йилларда "Нью-Йорк таймс" газетаси Пентагоннинг Вьетнам уруши даврида олиб борган ҳарбий ҳаракатлари ҳақидаги махфий маълумотларни чоп этганди. Ўшанда эълон қилиниши мумкин бўлмаган ахборотни чоп этгани учун судга берилган газета, алалоқибат, ҳукумат устидан ғалаба қозонганди. Олий суд бу ҳолатни сўз, матбуот эркинлигини паймол этиш деб баҳолаганди. Ана шундан сўнг Америка журналистлари янада эркин ҳаракат қиладиган, ҳукумат фаолиятини танқид қилишдан чўчимайдиган, ортиқча ҳадикларсиз ижод қиладиган бўлишади.

Маълумки, ахборот олиш ҳуқуқи ва ахборот манбасини ошкор этмаслик матбуот эркинлигининг муҳим талабларидан саналади. Бу борада қабул қилинган "Ахборот эркинлиги тўғрисида"ги федерал қонун Америка журналистларига ҳукумат ахборотига эга бўлиш, суд, парламент мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқини берди. Мазкур қонунга кўра, фақат миллий хавфсизлик, шахсий ҳаёт, тижорат сири билан боғлиқ ахборотгина журналистга берилмаслиги мумкин. Бундан ташқари, ахборот манбаси қаттиқ ҳимоя қилиниши сабабли журналистга шахсини сир сақлаш шарти билан ахборот берган кишини ошкор этишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бироқ журналист ахборот нотўғрилиги учун айбланаётган бўлса, ўзини оқлаш учун ахборот манбасини ошкор этиши мумкин. Бунда ахборот манбасини ошкор этиш манфаати уни сир тутишдан устунлик қилади. Шуни ҳам айтиш керакки, Америкада ОАВда эълон қилинган ахборотни нотўғри деб ҳисоблаб судга берилган аризалар жиноий эмас, фуқаролик тартибида кўриб чиқилади ва кўп ҳолларда журналистлар жарима билан қутилиб кетишади. Бироқ шу далилга асосланиб америкалик журналистларга осон тутиш керак эмас. Чунки Америкада бошқа ривожланган давлатлар каби суд ишлари билан боғлиқ харажатлар ниҳоятда катта. Шу боис ҳатто суд ишида ютиб чиққан тақдирда ҳам ОАВ катта молиявий йўқотишлар кўради. Америка журналистикаси асосида айланган ҳаққонийлик, аниқлик, холислик тамойилларининг шакланишига ана шундай осмон баробар нархлардаги суд ишлари ҳам таъсир қилгандир, эҳтимол...

Дунёни забт этган матбуот

"Фуқаролик ва сиёсий институтларимиз умрбоқийлиги сўз эркинлиги билан боғлиқ", дейилади АҚШ Олий суди чиқарган қарорлардан бирида. Яъни сўз, матбуот эркинлиги Америкада олий қадрият даражасида эъзозланади, матбуот фикри, журналист мулоҳазаси беэътибор қолдирилмайди. Оддий фуқародан давлат раҳбаригача матбуот фикрига ҳурмат билан муносабат билдиради. Американинг барча соҳалардаги тараққиёти омилларидан бири ҳам шунда – матбуот эркинлиги чегаралари йўқлиги боис журналистлар жамиятдаги барча иллатлар ҳақида очиқ-ойдин ёзмоқда ва мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бугун миллион-миллион нусхада чоп этиладиган Америка газета, журналлари етиб бормаган давлат бўлмаса керак. Аксарият хориж мамлакатларида "Интернешнл геральд трибюн" газетаси Американинг энг етакчи матбуот нашри сифатида эътироф этилади. Кўплаб давлат бошлиқлари, машҳур кишилар ҳам "Геральд трибюн"ни кундалик ўқийдиган севимли газета деб эътироф этишган. Аслида эса бу газета Париж, Лондон, Цюрих, Рим, Гонконг, Сингапур, Токио, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларда чоп этилади ва 164 мамлакатга тарқатилади.

Маълумотларга қараганда бугунги кунда Америка шаҳарларида 10 мингдан зиёд номда газеталар нашр этилади. Аксарият кундалик газеталар ҳар қандай ҳаво шароитида, ҳатто, байрам кунларида ҳам ўз ўқувчилари қўлига етиб боради. Қўшма Штатларда ҳар куни 34 тилда 60 миллион нусхада газета чоп этилади ва сотувга чиқарилади. Газеталарнинг якшанба – дам олиш сонлари ҳар кунгидан каттароқ ҳажмни ташкил этади. Бу борадаги "Нью-Йорк таймс" рекордини ҳали ҳеч бир газета такрорлай олганича йўқ(газетанинг 1965 йилги якшанба сонларидан бири 946 саҳифани ташкил этганди!) Бу газеталарни тўлиқ ўқиб чиқиш учун эса бир кун вақт сарфлашга тўғри келади.

АҚШда Буюк Британия ёки бошқа давлатлардан фарқли ягона миллий нашр мавжуд эмас. Чунки биринчилик учун курашадиган ва бунга бир-биридан муносиб газеталар бисёр. Қолаверса, аксарият газеталар маълум ҳудуд, шаҳарлардагина тарқатилади, холос. "Уолл-стрит жорнэл" (1 миллион 818 минг нусха), "Ю-Эс-Эй тудей" (1 миллион 494 минг), "Нью-Йорк таймс" (1 миллион 141 минг), "Лос-Анжелес таймс" (1 миллион 89 минг) "Вашингтон пост" (813 минг) каби газеталар мамлакатда энг кўп нусхадаги етакчи кундалик нашрлар саналади. Америкада шундай газеталар ҳам борки, улар аксарият, янгиликларни ўз нашрида чоп этиш билан бирга бошқа ОАВга маълум тўловлар эвазига етказиб беради. Бу борада "Нью-Йорк таймс", "Вашингтон пост" ва "Лос-Анжелес таймс" газеталари асосий ўрин тутади. Масалан, "Нью-Йорк таймс"-да бир неча йил аввал Марказий Разведка Бошқармасидаги жиноятлар ҳақида чоп этилган материал 400 дан ортиқ мамлакат газеталарида ва юзлаб хориж матбуот нашрларида кўчириб босилганди. Шу боис ҳам дунёнинг 100 га яқин мамлакатида газета муҳаррирлари ўртасида ўтказилган сўровда "Нью-Йорк таймс" жаҳондаги энг яхши кундалик газета деб топилганди.

Америка газеталарида сиёсий ҳаётга доир янгиликлар, энг муҳим ижтимоий хабарлар, халқаро шарҳлар, машҳур кишилар ҳаётига доир материаллар ва карикатураларга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга мамлакат матбуотида "макрейкерлик" ("жамиятни ифлос иллатлардан тозалаш") анъанаси ҳам мавжуд. Бунда етук журналистлар томонидан маълум иллат, муаммолар юзасидан журналистик текширувлар ўтказилади ва унинг натижалари омма эътиборига ҳавола этилади. Ўз вақтида текширув журналистикасининг машҳур вакиллари Жим Стилл, Дон Барлетт, Роберт Грин олиб борган солиқ, суд тизимидаги ўғирлик, жиноятлар, ядровий қуроллар ва чиқиндилар, наркобизнесга бағишланган журналист текширувлари бутун дунёда шов-шувларга сабаб бўлганди. Журналистларнинг оғир ва мураккаб фаолияти ифодаси – текширув журналистикаси матбуотнинг демократия посбони сифатидаги ўрнини оширибгина қолмай, уни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Шу боис ҳам Америкада ҳар йили 5 майда нишонланадиган Матбуот эркинлиги куни кенг миқёсда нишонланади. Ушбу кунда Америка президенти, давлат котиби, Конгресс аъзолари, Олий суд раиси ва судьялари, Пентагон раҳбарияти, Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Millatlar Tashkilotidagi doimiy vakili, Америка Қўшма Штатларининг Халқаро меҳнат ташкилотидаги доимий вакили, Америка Қўшма Штатларининг Халқаро савдо палатас

Тадқиқот

ЧЎЛПОН – ХАЛҚАРО ШАРҲЛОВЧИ

Журналист Чўлпонга халқаро аҳвол шарҳловчиси сифатида унинг "РусТО" ва "Бухоро ахбори" газеталарида муҳаррир бўлиб ишлаган пайтидаги тажрибаси қўл келган. Газета таҳририятига келган телеграф материалларини доимий суратда кузатиб бориш, халқаро аҳволнинг нозик жиҳатларини илғаш, сиёсий воқеаларнинг моҳиятига кира билиш, воқеа ва ҳодисаларга холисона баҳо бериш каби хислатлар халқаро воқеаларни шарҳловчи журналист учун зарур хусусиятлардир. Бундай хусусиятлар журналист Чўлпонда мавжуд эди.

Чўлпон халқаро аҳволга доир шарҳларига Абдулҳамид Сулаймоний, А.Сулаймоний, А.С.Қаландар, "Қ" деган имзолар қўйган. Уларнинг бирортасига "Чўлпон" деб имзо чекмаган. Демак, бу унинг адабий тахаллуси бўлиб, фақат бадиий асарларигагина қўйилган.

Публицист Чўлпон "Бухоро ахбори" газетасининг муҳаррирлигидан хасталиги туфайли 1922 йилнинг 15 январида озод этилгач, Тошкентга қайтган ва 1923 йилнинг июнигача, яъни Андижонда ташкил этилган ва Абдулҳай Тожи муҳаррир бўлган "Дарҳон" газетаси таҳририятига ишга киргунча марказдаги газета-журналларга ижодий ходим сифатида иштирок этиб турган. Мана шу оралиқдаги муддатда унинг "Туркистон" газетасида халқаро аҳволга доир бир қанча шарҳлари, мақолалари эълон қилинган.

"Туркистон" газетасининг 1922 йил 1 октябрдаги сонида "Ғалаба устига ғалаба" сарлавҳали мақоласи эълон қилинади. Унда Англия маккорлик билан сиёсат юргизиб, Туркия билан Юнонистонни уруштириб қўйди, дейилади. Бу масалада, ҳатто, Франция ва Англия бир хил нуқтаи назарда эмас. Россия ҳам ўз манфаати билан бу масалага аралашди. Натижада, Англия тулкилик йўлига ўтди. Унинг асосий мақсади Туркияга эркинлик бермаслик эди. Халқаро вазиятни сезгирлик билан баҳолаган Англия сиёсатчилари дарҳол муносабатни ўзгартирдилар. Улар Туркияга Истанбул, Адрна ва Тракияни қайтариб беришмоқчи. Демак, жаҳонгир Англия Туркияга "илтифот" кўрсатмоқчи. Унинг бундан кўзлаган мақсади нима? Жаҳонгирларни бу йўлни тутишга мажбур қилган нарса - Анатули қишлоқисининг сабр ва матонати. Гарчи Туркия султони инглизлар тарафида бўлса-да, оддий халқ ўз эрки ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун ҳар қандай қийинчиликларга темир матонат билан чидади ва ғалаба қилди. Анатули қишлоқисига шон-шарафлар!

Мана, мақоланинг қисқача мазмуни.

Чўлпоннинг "Яқин Шарқ конференцияси арафасида", "Иккинчи Лўзон арафасида" сарлавҳали мақолаларида ҳам Болқон уруши билан боғлиқ воқеалар қаламга олинган.

Маълумки, Болқон уруши якунида 1922 йилнинг 20 ноябрида Швециянинг Лозанна шаҳрида очиладиган Яқин Шарқ масаласига бағишланган конференциясида чиқарилиши керак эди. Бу шаҳарга Англия, Франция, Туркия, Болгария, Сербия, Миср ва Италия вакиллари келишади. Конференциядан мақсад-Чўлпон ибораси билан айтганда- "Шарқ" деб аталувчи чигални ечиш бўлган.

Аслини олганда, Англия мазкур конференциядан ўз фойдаси йўлида фойдаланиш учун айрим Шарқ мамлакатларидан ўзига "содиқ" малай бўлган вакилларнинг делегат бўлишини уюштиришга интилган. Бундан ғазабланган публицист Чўлпон ёзади: "Эхо де-Пари" номлик Француз газетасининг хабарига қарағонда, Лўзон шаҳрига Сербия ва Булғория вакиллари билан 3 кишидан иборат Миср вакиллари ҳам келганлар. Бу Миср вакиллари, билмадимким, қайси Мисрнинг вакиллари бўлсалар? Англатура ҳукуматининг "ғуломбаччаси" (қулваччаси - С.Й.) бўлғон Султон Фауд ҳукуматининг вакиллари экан, ёки Мисрда Англатуранинг "маданий чеҳраси"ни кўрмакдан безор бўлғон асл Миср халқининг вакилларими экан? Лундундан берилган бир телеграм Миср миллатчилари (миллатпарварлари - С.Й.) томонидан Лўзон конференциясига махсус вакиллар юборишини билдирадир. Ул вакилларга топширилатурғон вазифа - Мисрнинг тўла истиқлолини ва Мисрнинг ички ишларига ётларнинг аралашмаслиғини талаб қилмоқдир. Иккинчи томондан, Англатура ҳукумати ҳам Мисрдаги ўз "маҳрамлари"дан бир нечасини конференцияга аралашдириб, уларнинг хиёнатлик товушлари билан ўз манфаатини қаттиғроқ илгари сурмакға тиришадир".

Шарҳловчи Чўлпон "Шарқ масаласи" деган тушунчани ҳам газетхонларга содда қилиб англатиб беради: "Шарқ масъаласи деган замонда илгари кенг доиралик, жуда катта бир масъаласини онглар эдик. У вақтда шу Шарқ масъаласининг ичига бутун Арабистон, Миср, Ал-Жазира вилоятлари ва Лўз муқаддас ўлкаси ҳам кирар; араб, турк, курд, яҳуд каби бир мунча миллатларнинг ёзмиши ҳам орага отилур эди... Ҳозир "Шарқ масъаласи" бурунғидай улуғ бир масъала эмас, кичкина, локин оғир бир Яқин Шарқ ёки, тўғриси, "Туркия" масъаласидир".

Фикрларда мантиқийликка амал қилган Чўлпон энди диққатини "Туркия масаласи"га қаратади: "Туркия масъаласи" ҳам ҳал этилган каби эди. Ул чигални ҳам инқилобчи Туркиянинг ботур урдуси ўз найзалари билан ҳал этгандек бўлғон эди. Туркия масъаласини Англатура режасига мувофиқ ҳал қилмоқ истаган Юнон қучуги иккинчи мартаба ғингшимай турғон бўлуб чекилган эди. Шунинг билан Яқин Шарқ масъаласи қаби ортиқ "қил" ва қоллар" ға лузум қолмасдан ҳал этилмағи керак эди; Туркиянинг Истанбули, Тракияси берилиб, ажнабийлар учун қўйилғон ортиқча имтиёзлар йўқ қилиниб, тўла истиқлоли тасдиқ қилиниб, бўғозлари эркин қўйилиб, ишнинг битмаги керак эди.

Локин Оврупо жаҳонгирлари, айниқса, Шарқнинг эски душмани бўлғон Англатура буни истамайдир, Туркияга, турк халқига бурунғидек ҳайвонлар муомиласини қилмоқчи бўладур. Фақат ўзининг эгри мақсадларига етмак учун Туркияга бир оз "ён бериб" келган Франсия ҳам Англатура хорижия нозири Лурд Керзуннинг усталиғи орқасида тўнини тескари киятурғон бўлуб турадир. Қон билан, зўрлиқ билан, ҳийла, макр, фасод ва номашруъ йўл билан иш бошиға ўлтурғон фашистлар Италиёси Туркия масаласида қаттиғ дўқлар қилиб, дағал юз кўрсатмоқда, қўпол сўз ирғитмоқдадир. Шул сабаблик Медония конференсияси билан Лўзон конференсияси орасидаги фарқ кундан-кун кенгаймоқдадир."

Лозанна конференциясининг бошлиқлари 3 давлат вакиллари бўлади, деган бир телеграмма бор, дейди шарҳловчи. Албатта, бу давлатлар орасида ғолиб Туркия бўлмайди, Англия, Франция ва Италия вакиллари бўлишади. Бу бориб турган адолатсизлик, жаҳонгирлар адолатсизлиги, мустабид Ғарб адолатсизлигидир.

Шарҳловчи Лозанна конференцияси очилиши арафасидаги вазиятни англатар экан, Туркия вакилларининг ҳам мазкур конференцияда бўш келмасликларини таъкидлайди: "Иккинчи томондан енгганлар ҳам бўш келмай; Оврупо катталарининг у қўполликларига қарши ажиб бир совуққонлик сақлайлар; комил тинчлик ва ўзига ишонишлиқ билан: "Биз бу ерга катталарнинг буйруқларини қабул қилғали келмадик, биз одам қатори, инсоф доирасида сўйлашмакка келдик. Бўлмаса, биз ндамай қайтиб кета берамиз" дейдилар... Туркия вакилларининг бошлиғи Исмат пошо бир оз вақт бундан илгари: "яна қиличга ёпишатурғонга ўхшаймиз" деган эди. Унинг Лўзонда газета мухбирларига бир неча сўзлари ҳам: "Бизнинг ҳаққимизни бермасалар, бизнинг ҳақлиғимизни танимасалар, конференцияларини бошларига урсунлар" деган сўзга келадир".

Кўрамизки, шарҳловчи журналист Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) Лозанна конференцияси қандай вазиятда очилаётганини, ундан иштирок этаётган давлатлар нималар кутишаётганини, айрим Ғарб давлатлари томонидан олиб борилаётган сиёсий найрангларнинг моҳиятини ёркин тарзда очиб беради.

1922 йил ноябр ойида бўлган Лозанна конференцияси натижасиз тугайди. 1923 йил апрел ойида яна мазкур шаҳарда Яқин Шарқ масаласи бўйича конференция қайтадан иш бошлайди. Бу конференцияга яна шарҳловчи журналист Чўлпон қайта мурожаат қилади.

"Туркистон" газетасининг 1923 йил 22 апрел сонида Чўлпоннинг "Иккинчи Лўзон арафасида" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда Лозанна конференцияси яна ўз ишини давом эттиради, дейилади. Лекин бу галги Лозанна конференцияси илгаригисининг айнан давоми ҳам эмас. Моҳиятига кўра, бу галгисини янги Лозанна конференцияси дейиш мумкин. Бунинг боиси, мақолада ёзилишича, Туркиянинг энди мавқеи анча мустаҳкамланган ҳолда иштирок этаётганидир. Россия Туркияга хайрихоҳлик билан қарамоқда. Америка Қўшма Штатлари ҳам Туркияни қувватламоқда (сабаби, унинг "Честр" ширкатига Туркия ҳукумати имтиёз бермоқчи бўлган). Буларнинг барчаси Лозанна конференциясидаги асосий ташкилотчи давлатлар: Англия, Франция ва Италия энди Туркияга тазйиқ ўтқаза олмаслигини кўрсатади. Бу гал Лозаннага Туркия вакили бўлиб Исмат пошо эмас, Ризо Нурибек борган. Унинг қатъияти, Туркия халқи манфаатларини ҳимоя қилиши ўз самарасини беражак. Туркияда чиққан газеталар ҳам буни тасдиқлайди.

ХАЛҚАРО ШАРҲЛОВЧИ

""Янги кун" газетаси ёзган: "Бир томондан, Лўзон конференсиясига вакилларимизни юбориб қўйиб, иккинчи томондан, тинч халқимизни қирдиришга йўл қўя олмаймиз. Қўшунимиз қурол остида: Муслни ёдимиздан чиқорғонимиз йўқ!"

Шуни ҳам айтиш керакки, Чўлпон шоир сифатида ҳам, журналист сифатида ҳам Шарққа алоҳида меҳр билан қараган. Унинг Ғарб жаҳонгирларининг исканжасидан чиқиш учун қилган ҳар бир ҳаракатини, исёнини жон дили билан қувватлайди. Унинг "Шарқ уйғонғон!" сарлавҳали мақоласи бу фикрни ёркин исботлайди. "Оврупо бойлари, Ғарб жаҳонгирлари, - деб ёзади публицист, - Шарқ элларига чанг солғон вақтларида "Маданият киргизамиз!" деган шиор билан майдонға чиқарлар эди. Жаҳонгирлар қўлиға ўтган Шарқ ўлкаларининг ҳаммаси олда шу баҳона билан қўлга киргизилган. Олайлиқ Ҳиндистонни, олайлиқ Миср ни, олайлиқ Тунис, Алжазойир, Фос, Судан, Тароблисни, олайлиқ ниҳоят, мановви жаҳон урушидан сўнг бўлиниб олинғон Арабистон (Ал-Жазира, Фаластин, Сурия)ни.

Бизнинг Туркистон ҳам подшоҳлар, генераллар, оқ суяклар Русияси томонидан олинғонда шу баҳона ўртаға ташланғон эди.

Бу даъвони Ғарб жаҳонгирлари ҳали ҳам жуда жиддият ва ихлос билан татбиқ қилиб турадир".

Сўнг публицист Чўлпон Ғарб жаҳонгирларининг, яъни мустамлакаларга "маданият киргизган" босқинчиларнинг мунофиқлигини очиб ташлайди. Унинг келтирган мисоли жуда ўзига хосдир. "Ишчи-деҳқон манфаатига қарши қўзғолғон тескаричи бир пупни шўролар маҳкамаси ўлим жазосига ҳукм қилиб эди, Лундундан: "Бу қандай гап? Ёввойилиқ-ку! Мадониятга қарши ҳаракат-ку!" деган қаттиғ фарёдлар эшитилди.

Ҳолбуки, юртларига истиқлол, ҳуқуқ ва эрк истаган мингларча инқилобчилар Миср зиндонларига тўлдурилғон чоқда бу тўғрида на Лундун, на Париждан бир товуш, бир шарпа йўқ.

Ҳиндистон зиндонларида сиёсий маъйубларнинг (айбдорлар)нинг сони 40 000 га яқинлашиб борадир. Ҳиндистоннинг Хоури Хоро деган жойида палиса зулмига қарши қўзғолон 5000 кишилик бир қишлоқ халқидан 228 киши қамоққа олинадир. Ўткан январ ойида буларнинг 172 таси ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 6 таси зиндоннинг ўзида турлик йўллар билан ўлдириладир.

Панжоб, Оҳҳоли, Сахҳоф деган ерларда англиз молини олмай қўйғон деҳқонлардан 5603 киши қамоққа олинадир. Буларнинг туб айблари - англиз молини олмаслик, лекин "қонун юзасидан" қўйулғон айб - қонунни бузуш ва ўғрилиқ қилиш. Берилган жазо 6 ойдан 2 йилгача зиндон. Бир зиндондан иккинчи бир зиндонға кўчирилатурғон Ҳиндистон деҳқонларидан 70 киши йўлда - юк вагунида бўғулуб ўлганлар.

Бундай воқеаларнинг ҳаддиҳисоби йўқ. Бу тўғрида Лундун "озодалари", Париж "олифталари" ҳеч нарса билмайлар. Ёки билсалар-да, сирни бой бермайлар".

Сўнг публицист Чўлпон Шарқ илгариги Шарқ эмаслигини, у уйғонганлигини мустабидларга, Ғарб жаҳонгирларига эслатиб қўяди: "Фақат, у қонхўрлар бир дафъа тушунсун, эсга олсунларким, Шарқ энди илгариги Шарқ эмасдир. Шарқ букун - инқилобчи Туркиядан ўрнак олғон, Русия меҳнаткаш деҳқонлари билан қўл беришган, бутун эгри-қинғирни бўлса ҳам, Ал-Жазирада қолиш учун турли баҳоналар ўйлаб топишга киришган. "Бонорлов ҳукумати,-деб ёзади шарҳловчи, - бу масъалани мумкин қадар "ёпиб", "бекитиб" ўтмакчидир. Мана шунинг учун унинг "Ал-Жазира масъаласини ишлаб чиқаратурғон қўмитаси бир маъруза ҳозирлаб, ул маърузада "Туркия билан яраш бўлмасдан ва Мусл масъаласи ҳал қилинмасдан туруб Англия Ал-Жазирани бўшата олмас", дейди. Ҳатто, қўмитанинг фикрича, "Туркия билан яраш бўлғонидан кейин ҳам Ал-Жазирининг бўшатилиши яна 5-10 йилға чўзилмоғи керак".

Келтирилган иқтибослардан кўриниб турибдики, мустамлакасини ташлаб кетгиси келмаган Англия турли важ-корсонлар қидиради. Жаҳон жамоатчилигининг ҳам кўзига чанг пуркамоқчи бўлади. Сабаби, Ал-Жазирининг (Бағдод ва Басра шаҳарлари, Фрот ва Дажла оралиғидаги жаннатобод ерлар) табиий бойликларидан кўнгил узгиси келмайди. Мусл, ер ёғи (нефт. - С.Й.) ва бошқа конларни қандай кўзи қийсин?! Шу боис улар Ал-Жазирининг Амир Файсал сингари қўғирчоқ ҳукуматини ишга солади. Хоин Амир Файсал эса ватанпарварлар калтаги тагида ўлиб кетмаслик учун ҳўжайинлари бўлмиш инглизларнинг этиги пошнасини ялашга тайёр.

Кўрамизки, Чўлпон "қийин чигал"нинг моҳиятини содда қилиб тушунтириб беряпти. Муҳими шундаки, мақолада колония бойликларига мазахўрак бўлган мустабидлар осонликча уни тарк этмаслиги алоҳида таъкидланади. "Англизлар бу "беҳиштобод"ни (Бағдодни - С.Й.) қўлға келтурмак учун қанча қийинликларни кўрдилар, шу қадар мағрур англизлар, уларнинг кўб йиллардан бери енгилмасдан олиб келган ботир кўшунлари Оврупо уруши чоғида Қутальморода ялангоёқ араблар билан "маданиятсиз" турклар қўлиға асир тушдилар. Шундай зўр фидокорликлар билан ўлкани қўлға киргизган англизлар, у мутакаббир, мағрур халқ ундан осонликча кечиб кета олурми? Қанча пуллар сарф қилғон, қанча қонлар тўккан, қанча қурбонлар берган; ҳозир ҳам бериб турадир. Қайси бир маданий миллат, қайси бир асрий Ғарб ҳукумати қон тўкдириб олғон ерини ўзининг шаръий эгаларига "Ма, ол!" деб қайтариб берди? Шундай воқеа тарихда бирор мартаба кўрулганмиким, англизлар ҳам шунга эргашиб ҳайбатлик ғурурларига тасалли берсалар?..."

Чўлпон бу мақолосини бошқа мақолаларидан фарқли тарзда бир оз пичинг, киноя аралаш ёзган. Унинг "маданий миллат" деган ибораси киноя аралаш айтилгани ёркин кўриниб турибди. Бу цитатада келтирилган гапларининг айримлари Россияга ҳам тааллуқлидир. Дунёга энг адолатли жамият қурамиз дея жар солган болшевиклар ҳам чор Россияси босиб олган ўлкаларни қўлдан чиқармади ва чиқаргиси келмади. Бу ерлардаги халқларнинг озодлик, мустақиллик истаб эълон қилган Мухториятларини қонга ботирди. Публицист Чўлпоннинг ёдидан бундай даҳшатли воқеаларнинг кўтарилиши мумкин эмасди.

Чўлпоннинг "Қатъий дамларда"[1] ҳамда "Қамоқхонами, жиннихона?" сарлавҳали мақолалари ҳам Ғарб давлатларининг ўзаро муносабатларидаги нозик жиҳатларни кўрсатиб беришга бағишланган. Хусусан, "Қамоқхонами, жиннихона?" сарлавҳали мақолосида Чўлпон Англия жаҳонгирларининг йиртқич башарасини кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйган. "Уавтлук" (Шуунот) ном англиз журнали ёзадур: "Агарда жаҳон уруши вақтида Германия зўр келса эди, Оврупо бир қамоққонадан иборат бўлур эди. Лекин ул қамоққонада - ҳар нима бўлса ҳам - бир озроқ тартиб, интизом бўлур эди.

Жаҳон урушида Германия зўр келмасдан, биз зўр келдик. Яхши. Оврупо энди қандай ҳолдадур? Бу саволга жавоб бериб деймизки, "Букунги Оврупо бир жиннихонадан иборатдур".

Бу англиз журналининг аччиғини келтирган нарса шудур: "Англия ҳукумати илгариоқ ҳадеб Германиёни ҳовлиқтирар эдиким, "Франсия сени талаб кетаётубдур, дод де, фарёд қил!" деб. Энди бўлса Англия бош вазири Болдвайн тўра Франсия бош вазири Пуанқара билан зиёфат еб ўлтуруб "Рурдаги ўлжалардан бизга ҳам ҳисса чиқсун!" деб талашадур".

Ушбу мақоланинг асосий мақсади Ғарб жаҳонгирларининг очкўзлиги ва мунофиқлигини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Шуниси характерлики, Чўлпон сиёсий шарҳловчи сифатида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан алоқадор воқеаларни мутасил ёритиб борди. Лекин Шўролар Иттифоқининг ташқи сиёсати ҳақида айтарли ҳеч нарса ёзмади.

Тўғри, унинг "Англия билан қилғон муҳодамиз" сарлавҳали ҳисоботида Шўролар Иттифоқи вакилларининг Лондонда олиб борган музокаралари ва бунинг натижаси сифатида имзоланган шартнома ҳақида фикр юритилган. Шуниси борки, Чўлпон Шўролар Иттифоқи вакиллар ҳайъатининг Буюк Британиядаги музокаралари қандай кечгани, октябр тўнтаришигача Россия ҳукумати инглизлардан олган қарзларни тўлаш юзасидан қилган тортишувлари ва ниҳоят, Англия ҳукумати билан бир битимга келишилгани ҳақида ана шу ҳайъатнинг аъзоси Хидиралиевнинг Кўқон эски ва янги шаҳар шўросининг мажлисида сўзлаган маърузасининг ҳисоботи шаклида берган. Демак, у Шўролар ҳукуматининг ташқи сиёсати, унинг ҳорижий давлатлар билан алоқалари тўғрисида, негадир, ёзишдан ўзини тортиб туради. Бу унинг шўролар ҳокимиятига нисбатан қалбининг ичичида бўлган ёқтирмаслик туйғусининг таъсири бўлса керак.

Саида ЙЎЛДОШБЕКОВА



"ЗАМИНБАНК"
Давлат акциядорлик ипотека банки

27- июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан жамиятимизда ахборот олиш кафолотлари ва эркинлигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшаётган
журналистларни ҳамда юртимиз аҳлини
чин юракдан муборакбод этади!
"ЗАМИНБАНК"
юртимизни энг обод ва фараҳли этиш йўлидаги интилишларда
Сиз билан ҳамиша бирга!



РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "АЛОҚАБАНК"И

Мустақил диёримиз
тараққиётига ўткир қалами,
теран фикри ва уйғоқ
сўзи билан ҳисса қўшиб
келаётган барча
журналистларни

27-июн–Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан қизғин қутлайди!

Бу байрам она-Ватан
тараққиётида матбуот,
сўз эркинлиги қай даражада
муҳимлигини англаган, уни ўз
қувончу ташвишларига
беғараз шерик ва холис
суҳбатдош деб билган
барча юртдошларимиз
учун қадрлидир.

Матбуот ходимлари
ва "Алоқабанк"
ўртасидаги азалий
ҳамкорлик
давом этаверсин!

"ЎЗСАНОАТ ҚУРИЛИШБАНК"

акциядорлик тижорат банки

Одил қалам соҳиблари — журналистлар ва матбуот ходимларини уларнинг касб байрамлари билан самимий табриклайди!

Мустақиллигимиз ютуқларини мустаҳкамлаш, демократик ҳуқуқий жамият барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир.

"Ўзсаноатқурилишбанк" журналистларнинг шарафли фаолиятида, халқимизнинг эзгу интилишларида доимо содиқ ҳамкор, ишончли кўмакчи.

Байрам муборак, азизлар!

Муаммо

ҲУҚУҚИЙ САВОДИМИЗ

"Қани, ёзиб кўр-чи?!"

Демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш учун барчамиз бирдек ҳуқуқий саводли, маданиятли бўлишимиз зарур. Айниқса, ушбу мезонга ҳуқуқ-тартибот тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбарлар ҳар томонлама шай бўлишлари даркор. Ўзгаларнинг ҳуқуқини паймол қилмаслик ва унга ҳурмат билан ёндашув шарт. Жойларда ушбу талабларга қай даражада риоя этилаётир?

Шу йилнинг 7 май куни бир фуқаронинг шикоят хати асосида Термиз шаҳар ИИБ терговчиси, милиция капитани Абдусалом Бозоров ҳузурига бордик. Терговчи хушламай қабул қилар экан, мақсадимизни эшитиб, тутақиб кетди.

— Мен сизга ҳеч қандай маълумот бермайман. Матбуот ходимларига интервью бермаслик ҳақида ички ишлар вазирининг буйруғи бор бизда, - деди.

— Ўша буйруқ билан танишсак бўладими?

— Йўқ!...

— Ахир, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида" ҳамда "Ахборот олиш кафолати ва эркинликлари тўғрисида"ги, қолаверса, "Фуқаролар мурожаати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ сиз келтираётган эътирозлар мутлақо ноўрин-ку, -дея терговчига тушунтирмоққа харчанд уринмайин, фойдаси бўлмади. Аксинча у пўписа қилишга ўтди.

— Кимсиз ўзи, закон сурасиз бу ерга келиб. Сизга ўхшаган биттасининг удостоверениясини қўлидан тортиб олиб, орқасига тепиб чиқариб юборганман! Ҳали осмонда учиб юрибсиз...

— Сизда шундай ваколат борми? - ҳайронлигим ошиб сўрайман қарибе жандарм қиёфасига кирган капитандан. У эса қўпол-лик билан пўписа қилишда давом этади.

— Агар бугунги гапни газетада олиб чиқсангиз, тўртта сохта гувоҳ топиб, фуқаролик судига торттираман ва яна адабингни беришнинг бошқа йўллари ҳам бор. Буни кейин биласан. Қани, ёзиб ҳам кўр-чи!

Албатта, мен бу ҳақда Термиз шаҳар прокурорига ёзма равишда мурожаат қилганимдан сўнг, Абдусалом Бозоров бироз ҳовуридан тушди ва шаҳар прокурори ўринбосари Баҳриддин Эшдавлатовнинг ҳузурида "хотиним касал бўлиб, нервим бузилиб турганди. Шунинг учун ошириб юборибман", деб узр сўради. Аммо, унинг "оилавий муаммо"сига менинг қанчалик даҳлим борлигини тушуна олмай баттар ҳайрон бўлдим.

"Ов"га халал бердим

Умуман, сўнгги пайтларда бошлиқлару вазирларнинг номидан иш кўрувчи миршаблар ҳам пайдо бўла бошлади. Шу йилнинг 6 июнь куни Термиз шаҳар "Юбилей" бозори ёнида "19" 46—60 давлат рақамли қизил тусли "06"нинг ҳайдовчисини Сурхондарё вилоят ИИБ ЙПХ ходими, сержант Эркин Абдуназаров тўхтатиб тергов қилиб турганини кўрдим. Билсам, ҳайдовчининг юкхонасида ярим қопдан сал кўпроқ буғдой бор экан.

— Жон мелиса ака, қўйиб юбора қолинг, - ялинарди ҳайдовчи.

— Буғдойни қаердан олдинг, ўғирладингми, ҳужжатини кўрсат,- дея дағдаға қиларди сержант гўёки олтиншохли кийик тутган йўлбарсдек.

— Музработлик фермер қайноғам берди, — дейди кўрққанидан дудуқланиб ҳайдовчи.

— Буғдой олиб юриш мумкин эмаслигини билмасмидинг?

— Ўлай агар билмайман. Бир мартагина кечиринг. Яна буғдой олиб юрсам ҳар бало бўлайин, — дея жаврайди ҳайдовчи гўё гуноҳи кабирага қўл ургандек.

Қараб турсам охири бўлмади, ҳайдовчига раҳмим келди. Сержантга юзланиб:

— Ахир Сизнинг ҳозирги ишингиз ҳуқуматимиз сиёсатига мутлақо зид-ку. Фермерлар, ижарачилар шартномадан зиёд етиштирган ҳосилини иш ҳақи сифатида жамоа аъзоларига тарқатиб беришаяпти. Ҳатто, бозорларда аҳолига сотиб, пулини эҳтиёжга ишлатишлари ҳам мумкин-ку,-дедим. Қолаверса, ҳайдовчи хирмондан дон ўмаргани йўқ, бу бозор-ку.

Сержантнинг эса "отдан тушгиси" йўқ.

— Вазиримизнинг шундай буйруғи бор. Ўрим-йиғим мавсуми пайти бошоқли донни ташиб юриш мумкин эмас! Сиз аралашманг!

Охири: "Бошлиғингиздан бориб сўрайман" деганимдан сўнг, ўлжасига чанг солган йиртқичга қарагандек менга ёмон қарай-қарай, бечора ҳайдовчини қўйиб юборди. Кейинчалик вилоят ИИБ ДАНБ бошлиғи, полковник Сафар Эшонқуловдан бу ҳақда сўраганимда, "Бекор айтибди, вазирлигимизнинг бунақа буйруғи йўқ. Ҳали шошмай турсин, адабини бериб қўяман", деди. Мухбирнинг кўнгли қурсин, бўшроқ бўлади. Энди "адабини ейдиган" сержантга ачина бошладим.

Алқисса: юқорида келтирилган иккита мисол ҳаётимизда учраб турадиган энг муҳим муаммо эмас, албатта. Умуман, бугун "мухбирман" деб айрим идораларга борсангиз у маъмурият томонидан мантиқсиз важ кўндаланг қилиб қўйилади: "Матбуот ходимларига маълумот бериш учун фақат Тошкентдан вазирлик ёки кўмитамиздан рухсат олишимиз керак! Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳуқуқий саводсизликни тугатишни аввало ушбу соҳа идораларидан бошлашга тўғри келади.

Баҳтиёр ОЛЛОМУРОД,
"Инсон ва қонун" газетаси
махсус мухбири

Робита

Ўзбекистон ва Миср муносабатларидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталари узоқ тарихга эга. 600 йил илгари буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз қўшинлари билан ўзаро алоқа, яъни ҳозирги кун таъбири билан айтганда, ҳамкорлик ўрнатмаган мамлакатнинг истиқболи порлоқ бўлмаслигини жуда яхши тушунган. У дунёнинг турли томонларида жойлашган давлатлар билан муносабатлар ўрнатиб, уларни мустаҳкамлашга интилган. Бир тарафдан Хитой ва Ҳиндистон, иккинчи томондан Франция, Англия, Испания, Италия, яна бошқа томондан Усмон империяси ва Миср билан алоқалар ўрнатилган.

Миср билан ўрнатилган дипломатик муносабатлар Амир Темур вафотидан кейин ҳам давом эттирилган.

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Кўплаб аждодларимиз ўз даврларида олис ва машаққатли масофаларни босиб ўтиб, Мисрга борганлар. У ерда ўша заминнинг илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Улар орасида, буюк олим Аҳмад ал-Фарғоний алоҳида ўрин тутади. Маълумки, буюк ватандошимиз умрининг кўп йилларини Мисрда, хусусан, Қоҳирада ўтказган ва у ерда буюк Нил дарёси сатҳининг кўтарилиш даражасини ўлчашда жуда муҳим бўлган "Ниломер" деб аталувчи машҳур асбобни яратган. Шунингдек, аллома яна кўплаб илм-фанга оид буюк ишларни амалга оширганки, уларнинг аҳамияти ҳозирда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

1991 йил декабр ойида Миср биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олди. 1992 йилнинг 23 январида эса икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги саҳифаси очилди. Чунки худди шу куни Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 25 декабр куни Мисрга қилган тарихий ташрифи икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига жиддий туртки берган муҳим воқеа бўлди. Юртбошимиз ўз ташрифи чоғида Миср Президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак билан учрашди. Олий даражадаги икки тарафлама музокаралар давомида кўплаб масалалар кўриб чиқилди.

Миср Ислом Каримовни исломни ҳимоя қилиш ва ислом олий ўқув даргоҳлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун "Фахрий доктор" илмий даражаси билан тақдирлади.

Сўнгги йилларда Миср ташқи ишлар вазирлиги қошида 1992 йил ташкил этилган МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараб келмоқда. Ўтган давр ичида жамғарма Ўзбекистонга 170 дан ортиқ грант ва стипендия ажратди. Бундан ташқари жамғарма номидан Тошкент Ислом университетига турли соҳаларга оид бир қанча китоб ва рисолалар тақдим этилди. Сал илгарироқ эса жамғарма Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, Жаҳон тиллари университети, Самарқанд, Наманган ва Бухоро университетларига замонавий компьютерлар мажмуаси ҳамда суньий йўлдошлар орқали узатиладиган телекўрсатувларни қабул қиладиган телевизион қурилмалар сингари ўқитишнинг замонавий техник жиҳозларни ҳадя этди.

Мазкур жамғарма ҳозирга қадар 300 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассиснинг Полиция академияси, Миср банк институти, Миср ташқи ишлар вазирлигига қарашли дипломатик тадқиқотлар институти, Миср Вазирлар Маҳкамасининг Маълумотлар ва муҳим қарорлар маркази, Стратегик тадқиқотлар маркази, Миср радио ва телевидениеси уюшмаси, Халқаро малака ошириш маркази сингари ташкилот ва муассасаларда малака ошириб, тажриба алмашиб келишини ташкил этди.

Жамғарма шунингдек, Миср сув хўжалиги вазирлигидан тўрт мутахассисни "Оролни қутқариш" дастури доирасида, Қоҳира университети ҳузуридаги Осиё тадқиқотлари марказининг бир қатор олимларини эса Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига маърузалар ўқиш учун жўнатди.

Миср Араб Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси яқин кунларда ўзбекистонликлар учун яна бир ўқув курсларини ўтказишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясида фаолият кўрсатаётган радио ва телевидение дастурларни тайёрлаш, режалаштириш, декорация ва мусиқа танлаш, саҳналаштириш соҳаси, шунингдек, муҳаррир ва шарҳловчилардан иборат 30 кишилик мутахассислар гуруҳини жорий йилнинг сентябрь ойида ахборот воситалари ходимлари учун ўтказиладиган ўқув курсларига юборишга тайёргарлик кетмоқда.

Дунёда эркин бозор иқтисодиётининг кенгайиши ҳамда глобаллашув жараёнини эътиборга олган ҳолда юқорида зикр этилган ишларнинг аҳамияти каттадир.

Умуман, мазкур жамғарма иқтисод, дипломатия, менежмент, маркетинг, халқаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўқув курсларини ташкил этиши билан бирга Ўзбекистон ва Миср томонидан таклиф этиладиган истиқболли ҳамда фойдали лойиҳаларни амалга оширишда ҳомийлик қилмоқда.

—"Халқ дипломатияси" сўзсиз дўст мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантиради, шунингдек, улар ўртасида дўстлик кўпригини қуришда ёрдам беради,— деб таъкидлайди МДҲ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармасининг президенти Ашраф Заъзаъ.

Шаҳноза ЖАББОРОВА,
Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

"10 МИНГ СЎМГА ШУ-УНЧАМИ?"

"Ҳуррият" газетасининг 2002 йилнинг 29 май куни 21-сонида чоп этилган "10 минг сўмга шунчами?" мақоласи Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бошқармаси шахсий таркиби ўртасида муҳокама қилиниб, келгусида ходимлар томонидан шундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик тадбирлари ишлаб чиқилди. Бир вақтнинг ўзида мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича айбдор ходимлар аниқланиб, уларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

В.М.УСМОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Штаби бошлиғи, милиция подполковниги

Жавоб

ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

"Ҳуррият" мустақил газетасининг 2002 йил 19 июн 24-сонида чоп этилган "Махфий топшириқ" мақоласида Шўрчи тумани давлат солиқ инспекциясининг мутасадди ходимлари томонидан матбуот эркинлиги борасида қабул қилинган бир қатор қонунларга зид равишда журналистларни тегишли маълумотлар билан таъминлаш йўлига суньий тўсиқ қўйилганлиги танқид қилинган эди.

Мақола барча вилоят солиқ бошқармаларида қуйи давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари иштирокида кенг тарзда муҳокама қилиниб, йўл қўйилган салбий ҳолат такрорланмаслиги учун тегишли кўрсатмалар берилди.

Шўрчи тумани давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи А.Сафаров шаҳодат синови натижалари якунига кўра эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилиб, ишдан озод қилинди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқларига 2002 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича марказий нашрларнинг вилоят мухбирлари ҳамда маҳаллий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказиш, солиқ тизими ҳаётидан кенг оммани мунтазам равишда хабардор қилиб бориш топширилди.

Ў.КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Давлат Солиқ қўмитаси раиси

"ИЖРОСИЗ ҚАРОРНИНГ ҚАДРИ"

("Ҳуррият", 2002 йил, 15-май)

Суд Департаментининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими Г.Тўраевнинг қарздор — Китоб тумани 76-сонли ОТҲЖдан 2227000 сўм ундириш ҳақидаги Деҳқонобод туман жиноят ишлари бўйича судининг қарорини ижроси таъминланмаётганлиги тўғрисидаги аризаси бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Деҳқонобод туман жиноят ишлари бўйича суди томонидан 2001 йил 16 ноябрь куни Холиқов Нурматга нисбатан ЎзР МЖШКнинг 133-моддасига асосан тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузар Холиқов Нурмат томонидан автоулов ҳодисаси оқибатида 2227000 сўм етказилган зарарни Китоб туман 76-сонли ОТҲЖ.дан жабрланувчи Г.Тўраев фойдасига ундириш белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш учун ижро ҳужжати Китоб туман суд ижрочилари бўлинмасига юборилган, суд ижрочилари қарор ижросини таъминлаш барча қонуний ҳаракатларни олиб борган. Жумладан, 76-сонли ОТҲЖ маъмуриятидан қарорда кўрсатилган суммани ихтиёрий равишда тўлашликлари учун таклиф хати берилган, аммо ушбу таклифни ихтиёрий равишда бажармаганларидан кейин, суд ижрочиси томонидан 2002 йил 16 январь куни автожамламанинг ҳисоб-рақамига тўлов топшириқномасини қўйган.

Китоб тумани "Савдогарбанк" маъмурияти томонидан бир неча маротаба Китоб тумани 76-сонли автожамламанинг ҳисоб-рақамига бир сўм ҳам келиб тушмаётганлиги ҳақидаги жавоб хати берилгандан сўнг суд ижрочилари томонидан 2002 йил 23 февраль куни қарор ижросини қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан қоплаш мақсадида 76-сонли автожамлама балансида бўлган ГАЗ-31029 русумли 16—60 КФО давлат рақамли автомашина хатланган.

Ушбу автомашинани зарарга қаратиш мақсадида техник экспертизаси ўтказилгандан нархи 850000 сўм миқдорида белгиланган. Қарорда кўрсатилган суммани қоплаш учун қўшимча равишда яна иккита, яъни ПАЗ 672 русумли автобуслар ҳам рўйхатга олинган.

Рўйхатга олиниб, савдога қўйилган автотехникаларни "Ким ошди" савдосига қўйилади. Савдодан тушган сумма даъвогар Г.Тўраевга олиб берилади.

З.АБРАЕВ,
Суд Департаментининг Қашқадарё Вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи



Жараён

— Биз ёш журналистлар кўпаётганидан севинамиз. Кейинги пайтда бошқа соҳа йўлини танлаган ёш мутахассислар орасида ҳам матбуотда ўз мақоласи билан қатнашадиганлар кўпаймоқда. Бу, янада қувончли ҳол. Хусусан, Мирпўлат мамлакатимиз олий ўқув юртлари тизимидаги қалдирғоч олим, тадқиқотчилардан бири сифатида жуда жиддий мавзу — давлат бюджети мавзуида мақола ёзишга журъат этибди, бундай ғайрат ва журъат рағбатлантирилса, у келгусида самара бериши муқаррар.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

ТАҚЧИЛЛИК ҚАНДАЙ МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ?

Иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга ошириш аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг бош вазифаси мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат. Иқтисодий барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараён. У, энг аввало, танглик ҳодисаларига барҳам беришга қаратилган. Барқарорлаштирувчи чора-тадбирларнинг самарадорлиги иқтисодий танглик ва барқарорлик тушунчасига қандай маъно беришимизга, уларни қандай идрок қилишимиз ва баҳолашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида республикамизга чет эл инвестициялари янада кўпроқ жалб этила бошланди. Давлат томонидан иқтисодиётга берилаётган ёрдам ва эътибор кучайтирилди. Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қабул қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция киритиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий вазифаларни бажариш, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилиб, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу каби умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг устивор йўналишларидан келиб чиқилса, иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезони давлат бюджети сиёсати эканлиги кўринади.

Ислоҳотларнинг бу босқичида бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодиётда бюджет тақчиллигини чеклаш ҳисобига барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этишдан иборат. Шу орқали иқтисодий фаолиятни жонлантиришни рағбатлантирувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жорий харажатларга маблағ ажратиш ва тақчиллик ўртасида энг мақбул мутаносибликни таъминлашдир.

Давлат функцияларининг кенгайиши харажатларнинг умумий миқдорини тез суръатлар билан кўпайишига олиб келмоқда. Улар ялпи миллий маҳсулот(ЯММ)нинг ўсиш суръатларига нисбатан анча жадал бормоқда. Бундай шароитда Давлат бюджетида тақчиллик вужудга келади. Ҳозирги даврда барча давлатларда бўлгани каби Республикамизда ҳам давлат бюджетининг тақчиллиги мавжуддир. Тақчиллик ҳар бир давлатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида бюджет тақчиллигини камайтириш иқтисодиётда мутаносибликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун эса бошқарув харажатларини қисқартириш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларни қоплаш учун маблағ ажратилишини тугатиш, бюджет харажатларининг кескин ўсишини чегаралаб қўйиш сиёсати олиб борилмоқда.

Давлат бюджети тақчиллигини энг кам даража доирасида чеклашга йўналтирилган қатъий молия сиёсатини юритиш иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида амалга ошириладиган энг муҳим ва биринчи галдаги тадбирлар бўлиши керак. Мамлакатимиз Президентининг "Бюджет интизомига риоя қилиш — барқарорлаштиришни ҳал қилувчи омиллардан биридир. Бюджетдаги тақчилликнинг ортиши ҳамма вақт ташвишли воқеа сифатида қабул қилинмоғи лозим" деган фикрлари бу соҳада қилиниши лозим бўлган асосий вазифаларни ўзида мужассамлаштиради.

Бюджет тақчиллиги уни молиялаш учун ёки очиқ бозордан пул қарзга олинади, ёки пул босиб чиқарилади, ёки давлат мулкининг бир қисми сотилади. Ҳар бир ҳолатда давлат бюджетидаги тақчилликни молиялашнинг иқтисодиётга таъсири бир хилда бўлмайди, балки уларнинг ҳар бирида ўзига хос мураккаб жараёнлар кечадики, бюджет тақчиллигини молиялашда одатда мамлакатнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилади, санаб ўтилган уч манбадан турлича нисбатларда, мамлакатдаги молиявий аҳвол ва юритилаётган иқтисодий сиёсатга боғлиқ ҳолда фойдаланилади.

Мирпўлат МИРАҲМЕДОВ,
Тошкент Молия институти магистранти.

Ҳамкасблар мулоқоти



СУРАТДА: Олий Мажлис депутати, "Халқ сўзи" газетаси фото мухбири Тоҳиржон Ҳамроқулов ва "Қишлоқ ҳаёти" газетаси иқтисодиёт бўлими мудири Дилмурод Қирғизбоев.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети 2002—2003 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қуйидаги таълим йўналишларига қабул эълон қилади

Кундузги бўлимга:

Педагогика ва психология (ўзбек)
Касбий таълим (ўзбек)
Мусиқий таълим (ўзбек)
Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол (ўзбек)
Бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар (ўзбек, рус, тожик)
Дефектология (ўзбек)
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (ўзбек, рус)
Ўзбек филологияси (ўзбек)
Рус филологияси (рус)
Тожик филологияси (тожик)
Тарих (ўзбек, рус)
Фалсафа (ўзбек)
Социология (ўзбек)
Иқтисодиёт (ўзбек, рус)
Менежмент (ўзбек)
Ҳуқуқшунослик (ўзбек, рус)
Биология (ўзбек, рус, тожик)
Физика (ўзбек, рус, тожик)
Механика (ўзбек)
Кимё (ўзбек, рус)
География (ўзбек, рус)
Математика (ўзбек, рус, тожик)
Амалий математика ва информатика (ўзбек, рус)
Электроника ва микроэлектроника (ўзбек, рус)
Информатика ва информацион технологияси (ўзбек, рус, тожик)
Агрокимё ва агротупроқшунослик (ўзбек)
Экология ва табиатдан фойдаланиш (ўзбек)

Сиртқи бўлимига

Педагогика ва психология (ўзбек)
Касбий таълим (ўзбек, тожик)
Мусиқий таълим (ўзбек)
Бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар (ўзбек)
Дефектология (ўзбек)
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (ўзбек)
Иқтисодиёт (ўзбек)
Механика (ўзбек)
Информатика ва информацион технологияси (ўзбек)

Махсус сиртқи бўлимига

Касбий таълим (ўзбек)
Мусиқий таълим (ўзбек)
Бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар (ўзбек)
Информатика ва ахборот технологияси (ўзбек)

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.
Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15
Физика-кимё факультетларининг биноси.
Телефонлар: 35-19-38, 35-01-74. СамДУ қабул комиссияси



Иқтисод

"МУҚОБИЛ ТАКЛИФИМ БОР"

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисмини, меҳнат ресурсларининг 40 фоизидан ортиғини ташкил этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан келадиган валюта тушуми 50 фоиздан кўпроқ. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш масаласига ҳукуматимиз асосий вазифа сифатида қараб келмоқда. Президентимиз ўзининг барча нутқларида қишлоқ хўжалигида мулк масаласига, хусусан, етиштирилган маҳсулотга нисбатан тадбиркорлик асосида иш кўрилмоғи, тадбиркорлик эса мўл-кўл, арзон ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотларнинг яратилишига олиб келишини кўп бор таъкидлаганлар.

Мамлакат раҳбари томонидан қўйилган барча масалалар бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мисол учун барча жамоа мулкига асосланган колхозлар ширкат хўжаликларига айлантирилди. Бунда хўжалик аъзоси хўжаликнинг умумий мулкида ўз улушига эга бўлади. Мулк ишловчи (деҳқон)-га узоқ муддатга ижарага берилади. Меҳнат эса оила пудрати шаклида олиб борилади.

Хусусий ишлаб чиқариш қуролларига, ўз ҳисоб-китоб рақами ва муҳрига эга бўлган фермер хўжаликларига ер 10 йилдан 50 йилгача ижарага берилган. Уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. Аввалари фақат шахсий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган шахсий ёрдамчи хўжаликлар тадбиркорлик асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликларига айланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ва қайта ишловчи корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, очиқ шаклдаги ҳиссадорлар уюшмаларига айлантирилди...

Лекин таҳлил ва тадқиқот ишлари тармоқда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда ҳали камчилик ва муоммалар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Модомики шундай экан, камина иқтисодчи сифатида бу соҳада ҳам муқобил тавсиялар ишлаб чиқиш ва таклиф этишни мақбул деб ҳисоблайди. Бизнингча тадбиркорликка асосланган қишлоқ хўжалигини шакллантириш учун аввало бир-бирига боғлиқ бўлган соҳаларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало ҳар бир хўжалик ва корхонага мулкий муносабатларнинг тўлиқ иштирокчиси бўлиш, ишлаб чиқариш омилларининг барчасига ёки баъзи бирига ва яратилган товарларга эгалик қилиш имконияти берилиши зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни жойлаштиришни марказлаштирилган ҳолда режалаштиришни давом эттириш ҳам тармоқнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Хўжаликлар бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда нимани, қанча ҳажмда, қандай етиштириш бўйича масалаларни эркин ҳал қилишлари керак. Қолаверса, ишлаб чиқарувчи маҳсулотининг нархи бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шаклланишига эришиш лозим. Ва яна ишлаб чиқарувчи ҳамда қайта ишловчининг маҳсулотлари учун пулларни ўз вақтида тўлашни кафолатлайдиган молиялаштириш ва ҳисоб-китоблар тизимини яратиш зарур.

Шу билан бирга, маҳсулотларга бўлган буюртмалар ўрнига тендер асосида шартномалар тузиш тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, тадбиркорликка асосланган қишлоқ хўжалик тармоғини қўллаб-қувватловчи қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

— назорат функциясига эга бўлмаган консалтинг хизматларини ташкил этишни рағбатлантириш;

— тадбиркорликка асосланган хўжалик юритиш ва уни бошқаришни ўргатувчи ўқув марказларини ташкил этиш;

— турли илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширувчи олимларнинг моддий манфаатдорлигини талаб даражасида бўлишини таъминлаш;

— бозор маълумот тизимини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ҳамда таъминотчининг ўз вақтида баҳолар, товарлар, хизматлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш механизмини яратиш.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва қайта ишловчи корхоналарни хусусийлаштиришни иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш керак. Чунки қачон моддий техника таъминоти тармоғи тўлиқ хусусийлаштирилсагина хизмат кўрсатиш тизимида рақобат майдони вужудга келади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларга ўз пуллари эвазига сифат жиҳатидан яхшироқ бўлган хизматларни танлаб олиш имкониятини беради.

Фермерлар, ижарачилар, деҳқон хўжаликлари ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ихтиёрий аъзолигига асосланиб тузилган кооперативлари орқали турли хилдаги хизматлар, моддий техника таъминоти, маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни сотиш рағбатлантирилади.

Қайта ишловчи корхоналарнинг барчасини хусусийлаштириш ва уларга керак бўладиган маҳсулотларни эркин ҳолда ҳеч қандай чеклашларсиз сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқлари берилади.

Таъминотчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг вилоят ҳамда республикадаги уюшмаларини фондларни тақсимлаш, турли режа, топшириқларни корхоналарга етказиш ҳисоботлар қабул қилиш каби назорат функцияларидан воз кечиш, улар ўрнига корхоналарнинг ихтиёрий аъзолигига асосланган ваколатхоналар ташкил этилиши керак. Бундай ваколатхоналар, асосан, тармоқнинг ўзига хос бўлган муаммолари, реклама қилиш, сифат ва стандарт масалалари, маълумотлар йиғиш ва тарқатиш, бошқариш, янги технологиялар, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари бўйича маслаҳатлар бериш билан шуғулланадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришда юқоридаги таклифлар амалда жорий этилса, тараққиёт йўлидаги тўсиқ ва муаммолар барҳам топиши, шубҳасиз.

Тоҳир МАМАДВАЛИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ОЧИҚ ТУРДАГИ "КВАРЦ" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Журналистлик фаолияти — ҳам оғир, ҳам масъулиятли, ҳам шарафли эканини яхши билади. Биз эл эътиборидаги ана шундай касб эгаларига соғлик-омонлик, илҳом ва ижодий

барака тилаймиз!

Истиқлолимизни кўз қорачиғидай асраш, мамлакатимизни иқтисодий юксалтириш ҳаммамиздан, айниқса, қалам ва матбаа аҳлидан фидойиликни талаб қилади. Сизга донишмандлик, ҳалоллик, жасорат ҳамиша ёр бўлсин!

"КВАРЦ"

Фарғона аҳли номидан

Сизни байрамингиз билан қутлайди!

Тақдимот

“ТАФАККУР” САҲИФАЛАРИДА



Барча учун севимли бўлган “Тафаккур” журналининг 2-сони муштарийлар қўлига тегди. Ҳар галгидек ойнома ходимлари ажойиб муаллифлар ижод намуналари билан ўз ихлосмандларига муносиб совғалар ҳозирлашган.

Шуҳрат Кўчимов “Қонун тили ва ҳуқуқий онг” мақоласида қонунлар ифодаланадиган тил адабий нутқнинг ўзига хос услуби сифатида ажралиб туриши лозимлигини таъкидлайди. Социология фанлари доктори Мансур Бекмуродов эса “Ўзбек менталитети: кеча ва бугун” мақоласида миллатдошларимиз феъл-атворидаги ўзига хосликлар ва уларнинг илдизлари ҳақида мулоҳаза юритиб ”Менталитет ўзгаришлари давлат тизими, тузилмалари, ҳатто жамият қиёфасини ҳам ўзгартириб юборишга қодир” эканига эътибор қаратади.

“Миллат ва маънавият” рукни остида Самандар Атоев, Севара Шаропова-ларнинг мақолаларини ҳам мароқ билан ўқийсиз. “Етти иқлим муждаси” рукнида сиз журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг “Америка матбуоти: тўртинчи ҳокимият” мақоласи билан танишасиз. Унда журналист АҚШга сафари чоғида олган таассуротлари билан ўртоқлашади.

Шеърият ихлосмандлари Ҳалима Худойбердиеванинг “Дилни учоқ каби кўтардим” деб номланган туркум шеърларидан завқ оладилар.

С.Аҳмаднинг “Ҳақ йўлида сафарбар сиймо“, Б.Илёснинг “Сирдон Термизий ҳақиқати” мақолаларида эса миллатимиз тарихида ёрқин из қолдирган аждодларимиз ҳақида гап боради.

Журнал саҳифаларидан олимларимизнинг талай тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

Изҳор

ХАЛҚ ХИЗМАТИГА ЯРАЙЛИК

Дунёда турли касблар кўп, лекин журналистлик энг саодатли ва машаққатли ҳунардир. Чунки журналистлар тиним билмай, кечаю-кундуз халқ хизматида.

Ҳаммамизга маълумки, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни. Дунёнинг ҳар бир бурчагида бўлган воқеа-ҳодисаларни биз айнан матбуотда ўқиймиз, радио орқали эшитамиз, телевизор ойинасида кўрамиз. Ҳозир биз қураётган ҳуқуқий демократик, адолатли, эркин ва фаровон жамиятни журналистларсиз тасаввур қилишимиз қийин. Чунки жамиятимизнинг барча соҳаларида хизмат қилаётган мутасадди ташкилот раҳбарлари ва ходимларининг виждонан хизмат қилиши, журналистлар эса уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қараб, камчилигию нуқсонларини ҳаққоний равишда очиб бериши давр талаби эканлигини ҳаммамиз биламиз.

Мозийга назар ташласак, XX аср бошларида Туркистонда матбуот ривожланди. “Туркистон вилоятининг газети”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Хуррият”, “Турон”, “Бухорои шариф” каби газеталар ва “Ойина”, “Мулла Насриддин” каби журналлар ҳозирги матбуотнинг ибтидоси бўлган. Менимча, Маҳмудхўжа Беҳбудий журналистиканинг ҳақиқий отаси. 1913 йилда “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журналида сиёсий мавзулар тўла ёритилиб берилган, шунинг учун журнал зиёлилар орасида тез суратда шуҳрат топди. У “Нашриёти Беҳбудия” номли нашриёт очди. Ўзи бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Бизнинг ахборот воситаларимиз ва матбуотимиз ўз тарихига эга. Уни такомиллаштириб, жаҳон талабига жавоб берадиган қилиш журналистларнинг асосий мақсади. Шундай олий мақсадга эришиш йўлида журналистларга куч-қудрат, матонат, муваффақият ва омад тилайман.

Низомий Ганжавий:

Ҳамиша ярагин халқ хизматига,
Безак бўл оламу одам зотига,

деб лутф этган эди. Бу сўзлар назаримда журналистларга қарата айтилгандек.

Байрамингиз муборак бўлсин азиз журналистлар!

Феруза АБДУЛЛАЕВА

Ён дафтар

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҲАМКАСБЛАР

“ТЎЙДАН КЕЙИНГИ ТОМОША”

1967 йили “Сирдарё ҳақиқати” газетасида шов-шувли бир фельетон босилганди. Унинг ёзилиш тарихи шундай бўлган. Ўша пайтда газета “қўш хўжайинли” эди — ҳам вилоят, ҳам Гулистон шаҳар партия қўмитасининг газетаси саналарди. Шаҳар раҳбарлари газетага хўжайинчилик қилиб, танқидни бўғиб, журналистларнинг эркин ишларига билиб-билмай халақит бера бошлашди. Бу ҳол газета раҳбарларини ранжитди. Муҳаррир Исмоил Сулаймонов “Сирдаринская правда” газетаси муҳаррири Ф.П.Тимофеев билан биргаликда вилоят партия қўмитасига расман мактуб билан мурожаат қилишди. У ерда муҳаррирлар шикоятини ўринли ҳисоблаб, Гулистон шаҳри партия ва шаҳар ижроия қўмитасини газета муассислигидан озод қилишди.

Шундан кейин Исмоил Сулаймонов Гулистон шаҳар раҳбарлари “зуғуми”дан қутилганимиз газетамиздаги чиқишларда ҳам ўз ифодасини топса бўларди, деб ўйлаб юрганларида, Гулистон шаҳар савдосининг бошлиқларидан бўлган бир бойвачча катта суннат тўйи қилаётган эмиш, деган хабар келиб қолди. Газета таҳририяти уч ходимини махсус топшириқ билан тўйга юборди.

Шоҳона ўтган тўйда бир неча гуруҳ санъаткорлар қатнашибди. Дастурхонда чумчуқнинг сутидан бўлак ҳамма ноз-неъмат бормиш. Ичкилик дегани дарё бўлиб оқибди. Базми жамшидга раислик қилган шаҳар партия қўмитасининг мафкура бўйича котиби тўй охирида кайфи ошиб қолиб, ҳатто “асса-асса”га ўйнаб кетибди.

Тўйдан қайтган журналистлар эртаси фельетон ёзишди. Фельетон тайёр бўлгач, унда бир неча раҳбар ходим тилга олинганлиги боис Исмоил Сулаймонов вилоят раҳбари Носир Маҳмудовга ўқитиб келди. Фельетон Носир Маҳмудовга маъқул бўлибди. Сарлавҳасини “Донғи ҳам чиқди, чанги ҳам чиқди” деб ўзгартириб берибди.

Эртаси фельетон газетада эълон қилинди. У Гулистонда эмас, бутун вилоятда шов-шув бўлиб кетди. Тўйда қатнашган амалдорларнинг ҳаммаси жазоланди. Тўйга раислик қилган амалдор ишдан кетди.

Фельетон босилганидан кейин икки кун ўтгач, Тошкентда чиқадиган нуфузли газетанинг муҳаррири муовини Исмоил Сулаймоновга қўнғироқ қилиб:

— Газетангизда босилган фельетонга биз қандай жавоб берайлик? – деди.

— Нега бундай деяпсиз? - ҳайрон бўлиб сўрабдилар Исмоил ака.

— Бизнинг ходимни ҳам уриб юборибсизлар-ку!

— Журналистни-я!

— Сизлар боплаб урган, бойваччанинг тўйини қизитиб, пул остида қолган санъаткор бизда ишлайди-да.

— Ия, яхши иш бўлмабдию... Сизларнинг жавоб беришларингиз шарт эмас. Бунга фақат афсусланиш керак. Агар ўша одам сизларда ишлашини билганимизда, фельетонга киритмаган бўлардик. Таклифим шуки, ўша ашулачи-журналистга айтинглар, икки қайиқнинг бошини ушлаган одам ғарқ бўлади. Одамнинг бир томон билан бўлгани яхши, - деб маслаҳат берибди Исмоил ака сиполик билан.

ТАРКИ ОДАТ-АМРИ МАҲОЛ

Журналист Усмон Юсупов “Совет Ўзбекистони” газетасига янги ишга ўтган кезларда бир иғвогар муҳаррир муовини Ҳолбек Ёдгоровга қўнғироқ қилиб:

— Усмон Юсуповни нега ишга олдинглар, ахир у газетангизда ишлашга нолойиқ одам-ку, — деди.

— Нима учун нолойиқ?

— Газеталарингиз обрўли газета. Усмоннинг у даргоҳда ишлай оладиган қалами йўқ. Ҳатто шапалоқдай мақолани ҳам мустақил ёзолмайди. Мен уни ўсмирлар газетасида ишлаган пайтидан бери биламан.

— Бу масала сизни ташвишлантирмай қўя қолсин, — деди гапни шарт кесиб муҳаррир муовини. — Агар Усмон бизда ишлолмаса, қалами ўткир журналистларимиз етарли. Усмон ўшаларга чой дамлаб туришга ярар.

Орадан маълум муддат ўтди. Республика газетасида Усмон Юсуповнинг кетма-кет ажойиб фельетонлари босилиб, у киши эл таниган қаламкашга айландилар. Ўшанда газетага қўнғироқ қилган иғвогар Усмон аканинг дўсти ва қадрдони Машъал Ҳакимовни кўчада учратиб дебди:

— Машъалвой, дўстингиз Усмоннинг республика газетасида кетма-кет ажойиб фельетонлари босиляпти, жамоасидаги обрў-эътибори ҳам баланд, деб эшитаман. Бу яхши. Аммо “лекини” бор-да.

— Яъни?

— Фельетон ёзган журналист мисоли улоқ чопган отга ўхшайди. Улоқчи от оёғи синганидан кейин эса сўйилади, ундан қази тайёрланади. Ҳозир Усмон “улоқ” чопяпти. Дўстингизга айтинг, яна “қази” бўлиб кетмасин.

— Биродар, ҳозир қайси ой? — дебди Машъал ака.

— Июль, авжи саратон пайти.

— Балли. Ўзбекистонда саратонда қази тайёрланмайдиям, ейилмайдиям. Қази қишда тайёрланади. Қиш келсинчи, унгача Худо пошшо. Сизга Усмоннинг ташвиши тушмасин.

“БЕОЗОР” ОДАМ

“Тошкент оқшоми” — “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририятида 70-йилларда “Партизан” лақабли журналист ишларди.

“Партизан”, ҳеч муболағасиз, ишнинг “пири” эди. Аммо тўғри сўзлиги, шарттакилиги ҳам бор эди. Бундай кишилар одатда мансаб зинасидан юқориламайдилар, раҳбариятга нисбатан мунтазам “мухолифият”да бўлиб, уларни ташвишга солиб турадилар.

Бир йили муҳаррир меҳнат таътилига чиқиб кетганда, “Партизан” муҳаррир муовини билан уришиб қолдида, унинг устидан шаҳар партия қўмитасига бориб шикоят қилди. У ердагилар биз оғзаки шикоятни текширмаймиз, фикрларингизни ёзиб беринг, дейишган экан, “Партизан” ўша заҳоти қўлига қалам ва қоғоз олиб, ярим соатда муҳаррир муовини устидан уч бетли шикоят хати ёзибди. Албатта, унинг шикоятида ўринли гаплар бор эди. Лекин бу масалани ташқарига олиб чиқмай, жамоанинг ўзида ҳам ҳал қилса бўларди. Шу нарса айрим кишиларни ранжитди.

Таҳририят партия ташкилотининг навбатдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда шу шикоят хати ҳам муҳокама қилинди. Шунда муҳаррир муовини ўзини оқлаб гапираётиб, бироз эҳтиросга берилиб, “Партизан” шахсиятини ерга урадиган гап гапириб юборди. Бу мисоли оловга керосин сепгандай бўлди. “Партизан” ўтирган жойида столни уриб, ҳамлага ўтди. Мажлисда асабий вазият юзага келди. Одамларга навбатма-навбат сўз берила бошланди. Кўпчилик коммунистлар “Партизан”ни, озчилик эса муҳаррир муовинини ҳимоя қилди.

Шу пайт газетанинг катта бўлимларидан бирига мудир бўлган “Н.” исмли одам ўтирган жойидан “гуп” этиб қулаб, полда чўзилиб қолди.

Икки киши “Н.”нинг елкасидан, яна икки киши оёғидан олиб, қўшни хонага олиб чиқиб, диванга ётқиздик. Дарров “тез ёрдам”га қўнғироқ қилинди. Аёллардан бири пиёлада муздек сув олиб келиб, бемор юзига сепди. Бошқа бир аёл беморнинг туфли, пайпоқларини ечиб, оёқларининг бармоқларини уқалади. Журналист Усмон Юсупов хона деразасини очиб ташлаб, беморни газета билан елпиди. Лекин бемор тошдай қотганча ётарди.

Кўп ўтмай “тез ёрдам” етиб келди. Шифокор беморга назар солгач, атрофдагиларга қараб:

— Нима воқеа бўлди? — деди.

Биз:

— Мажлисда озгина асабий вазият юзага келганди. Шу таъсир қилди, шекилли, бу одамга, — дедик.

Шифокор беморга икки-уч укол қилди. Кейин: “Беморни шифохонага олиб кетамиз”, деди. Биз рози бўлдик.

Беморни замбилга ётқизиб, тўрт кишилашиб машинага ортдик. Усмон ака бемор ёнида шифохонага кетди.

Йўлда қизиқ воқеа бўлибди. Бемор ярим йўлда бир кўзини очиб:

— Усмонжон, ҳайдовчига айтинг, машинани уйимга ҳайдасин, - дебди.

Усмон ака бу гапдан аввалига ҳайрон бўлибдилар, кейин кабина туйнугидан ҳайдовчига мурожаат қилиб:

— Машинани Чорсуга ҳайданглар, бемор шифохонага боришни истамаяпти, — дебдилар.

Ҳайдовчи шифокорга қараган экан, у ҳам ҳайрон бўлибди-да: “Майли, уйига бўлса уйига-да”, - дебди.

Уйига етганда “Н.” “тез ёрдам”дан “зўр-базўр” тушибди-да, шифокорларга раҳмат айтиб машинани жўнатиб юборгач, уйига соғ одамдай юриб кириб кетибди.

Усмон ака ўша куни “Н.”га ҳеч нарса демабди. У ўн кундан кейин ишга чиқди.

Ғалвали мажлис ҳақидаги таассуротлар анча унутилганидан кейин Усмон ака “Н.” билан бир жойда “қиттак-қиттак” қилиб ўтириб:

— Ўша куни нега ундай иш қилдингиз, устоз? – дебдилар.

У шундай дебди:

— Қийин аҳволда қолганимдан шундай қилдим, Усмонжон. Ҳам редколлегия, ҳам партбюро аъзосиман. Ўша вазиятда гапирмаслигим ҳеч мумкин эмас эди. Навбатда, сўзсиз, менга сўз беришарди. Қандай сўзлашни ҳеч билолмадим... “Партизан”ни ҳимоя қилсам раҳбарларга ёмон кўринардим. Раҳбарларнинг фикрини қувватласам, “Партизан” мени ёмон кўриб қоларди. Биласан, у билан тиклашиб обрў топиб бўлмайди... Яхшиси, ўзимни касалга солиб, мажлисда гапириш ташвишидан қутилиб қўя қолай дедим... Қизиталоқ, ўша куни ўзимни ерга ёмон ташлаган эканман, уч кун бўксам оғриса бўладими... Келинойингиз от ёғи билан силаб, икки-уч кепак қиздириб бойлаганидан кейин оғриқ қолди...

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

HURRIYAT Sport

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN

"РЕВАНШ" БАҲСЛАР АРАФАСИДА

Бразилия — Англия ўртасида кечган биринчи чорак финал учрашувида Туманли Альбион футболчилари Пеле асос солган афсонавий довонни забт этишни яна уддалай олмадилар. 1958, 1962, 1970 йилларда ўтказилган ЖЧ баҳсларидан икки мағлубият ва бир дуранг англияликларнинг кўзини очмаган кўринади. Бўлмаса, Эрикссон шогирдлари оғзидаги ошини ҳал қилувчи паллада олдириб қўярмиди?! Нима бўлса ҳам ЖЧ—2002 англияликларга яна анъанага айланиб улгурган омадсизлик “тақдим” этди. “Футбол ватани” вакиллари яна қуруқ қўл билан қайтиб кетишга мажбур бўлдилар...

“Немис машинаси” тобора тезликни оширмоқда. ЖЧ аввалида қанчалик машҳури жаҳон бўлмасин ҳеч ким Германия совринли ўринларга даъвогарлик қилишини башорат қилмаганди. Немис футболчилари эса совуққонлик билан “Фёллер плани”ни амалга оширишда давом этмоқдалар. Уларга муҳим ўйинларда ғалаба қозонишга бош билан киритилаётган голлар — “Англияча” футбол услуби жуда қўл келяпти. Бу жиҳатдан немислар “ўзи емай, дўстига едирган” қитъадошларига ҳар қанча миннатдорчилик билдирса камлик қилади.

Осиёнинг шонли юриши ҳали тугагани йўқ. Мундиал кашфиёти Жанубий Корея терма жамоаси яна бир Европа “гранти”ни ер тишлатди. “Қўшнингга келган бало сени ҳам тинч қўймайди” деган гап ростга ўхшаб қолди. Испания терма жамоаси ён қўшни, жон қўшниси Португалия, қитъадошлари Польша, Италия ўчини олиш учун баҳсга тушганди. Бироқ Камачо жамоаси “гап уқмас” корейсларга ўз сўзини ўтказа олмади. Испан юлдузлари Корея осмонида порлашга улгурмай сочилиб кетди. Бунга эса жамоа ярим ҳимоячиси Хаокиннинг чемпионат учун махсус тайёрланган 80 долларлик “қанотли” тўпни 11 метрдан дарвозага йўллай олмагани сабаб бўлди. Эҳ, шўринг қурмағур испанлар!.. Пешонада бори деганлари, шу-да. Бўлмаса, чорак финалда уларга келиб-келиб Осиё “Бразилияси” дуч келармиди?..

Бразилия билан бўлган гуруҳ ўйинидаги мағлубият туркияликларга оғир ботган, шекилли. Улар айни шу ҳисоб-китобни кейинга сурмаслик учун қўлдан келган барча ишни қилишди. Шенол Гунешнинг “худбин” мақсади йўлида Коста-Рика, Япония, ниҳоят, Сенегал қурбон бўлди. 1/4 финал учрашувида ҳатто "Дакар шерлари" ҳам Туркия ҳужумига дош беролмадилар. Бу баҳсда Сенегал футболчиларининг ғалабага бўлган иштиёқидан туркларнинг техник ва жисмоний тайёргарлиги устунроқ эди.

Хуллас, Бразилия-Туркия ҳамда Корея-Германия ўртасидаги ярим финал ўйинлари “реванш” баҳсларга айланди. “Туркиянинг қасоси-ку тушунарли, Корея нима учун қасос олади?” деяётгандирсиз. Ахир, Осиё жамоаси Саудия Арабистонига жавобсиз 8 тўп йўллагани учун немислар жавоб бериши керакми ё йўқми? Бизнингча, “адолатли судлов”ни корейс футболчилари қойилмақом уддаласалар керак.

Собиржон ЁҚУБОВ.



Абдурасул АБДУҲАКИМОВ чизган.

Ривоят

НОНВОЙ ВА ШИБЛИЙ



Шаҳарда бир нонвой яшар экан. У Абубакр Шиблийнинг шуҳратини эшитиб, шайхнинг ўзини кўрмай, унга кўнгил боғлаган экан. Аммо шайхни бир кўрсам деган иштиёқ билан ёнаркан. У кўриб ошиқ бўлмаган, балки эшитиб ошиқ бўлгани сабабли шайхнинг қиёфасини хаёлида гавдалантирар, ҳар хил одамларни кўз олдига келтириб кўрар эди.

Нима бўлди-ю, кунларнинг бирида шайх Абубакр нонвой яшайдиган шаҳарга кириб келди. Шайх шаҳарни айланиб, ҳалиги нонвой дўкони ёнидан ўтиб қолди ва битта кулчани олиб ея бошлади. Шу пайт нонвой буни кўриб, нонни Шиблий қўлидан тортиб олди ва қаттиқ дашном берди. Шиблий ноумид бўлиб ўтиб кетди. Нонвойнинг ёнидаги одам унга қараб деди:

— Бу одамни танийсанми, бу Абубакр Шиблий бўлади. Шиблийга шунча эътиқодинг бору, лекин бир бурда нонни раво кўрмай қўлидан тортиб олдинг.

Нонвой аттанг-афсуслар қилиб, Шиблийнинг орқасидан чопди. Шиблий аллақачон шаҳардан чиқиб чўлга равона бўлган эди. Нонвой ҳам унинг орқасидан юриб, ахири етиб олди, узр сўради, садоқати, муҳаббатини айтди, ёлборди. Шунда Абубакр Шиблий унга деди:

— Бўлмаса, мени зиёфатга чақиргин.

Нонвой бу сўздан хурсанд бўлиб, дарҳол шайхнинг айтганларини бажарди. Шоҳона зиёфат ташкил этди, Шайх Шиблий дуойи фотиҳа қилди. Меҳмонлар энди таомга қўл ураётганда, ўтирган азизлардан бири Шиблийга мурожаат қилиб, сўради:

— Эй шайхи муршид, айтинг-чи, дўзахий ким?

Шиблий жавобда деди:

— Агар дўзахийни кўрмоқчи бўлсанг, шу зиёфатнинг соҳибига назар сол. Шуҳрат учун шунча пул сарфлаб бизни чақиртирди, аммо Худо йўлига бир бурда нонни дарвешга бермади. Агар у муҳтож дарвешга саховат-ҳиммат кўрсатиб, нонни берганида жаннатий бўларди.

Худопараст бўлсанг, ихлос-эътиқод билан яша, Худони аввало ихлос билан севмоқ керак. Ихлос — халос, яъни Худога ихлоси бор киши қолган барча тамаъ, шуҳрат-ғаразлардан халосдир.

Тарбия

ОТАМНИНГ ИБРАТИ

Илмли одам деганда кўз ўнгимизда дарров зиёлинамо инсон қиёфаси гавдаланади. Аслида илмлилик инсон иймонининг бутлиги билан ўлчанади назаримда.

Иймонли одам илмли бўлмаслиги мумкин эмаслигига устозим ҳикоясидан сўнг яна бир бора амин бўлдим.

— Мен отамнинг одатини ўрганган одамман, - дея ҳикояларини бошладилар у киши. — Болалигим, ёшлигим қадрдон Қийқим қишлоғида ўтди. Отам қассоб бўлганлар. Шу сабабми ёки одатлари шундай эдими, ишқилиб саҳар уйғонардилар. Мени, 5-6 яшар уйқучи болани, "Муҳаммад тур, ризқдан қуруқ қолма ўғлим, сен ўғил боласан, менга ёрдамчисан, Хизр бованг қўй бериб кетди, қўй сўямиз" - дея эркалаб уйғотардилар. Болалигим тутиб қанча харшаха қилмай, энамнинг "Қўйинг, отаси, бола ухласин, шугинанинг нима ёрдами тегарди сизга" дейишига қарамай, мени уйқудан уйғотиб олардилар-да, "Йигит муздай сувга ювинади, тананг чиниқади, уйқунг очилади", - дея сув қуярдилар. Отам сўйган қўйнинг терисини арчиганларида кўрсатган жойларидан ушлаб турар, у кишига қарашган бола бўлардим. То балоғат давригача бундай ҳолат деярли ҳар тонг такрорланарди. Отам бозорга отланардилар-да, кетиш олдидан, албатта, ҳовлида бажариладиган ишларни алоҳида тайинлаб кетардилар. У кишининг яна бир яхши одати бор эди. Кечки пайт бозордан қайтишда қўлида, албатта, газета, ёки бир китоб бўларди. Овқатдан кейин отам газетага кўз югуртириб чиқар, қизиқарлироқ мавзудаги мақола ҳақида энамга ўзининг фикрларини айтардилар. Ёнларида ўтириб, "Ота, бизга ҳам айтиб беринг, нима бўпти?" дея қизиқардик. Отам эринмасдан дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бизни бохабар қилардилар. Албатта, "Худога шукр, ишқилиб замонамиз тинч бўлсин, тинчлик бўлса ҳамма нарса ўз йўлида кетади" деган сўзларни айтиб қўярдилар. Мен ҳам газеталарга кўз югуртириб, ҳарф танимасам ҳам, худди биладигандек, ўзимча отамнинг гапларини такрорлардим. Ҳаттоки, илк бор ҳарф таниб, сўзни-сўзга қўшиб ўқишни ҳам отамдан ўрганганман.

10-12 ёшимдан бошлаб ёз ойларида қишлоғимиз болалари қирларда қўй боқардик. Отам доимий одатини қилиб мени эрта уйғотар, юз-қўлимни ювиб, бир пиёла чой ичгунимча қўйларни йўлга солиб турардилар. Мен учун энди эрта туриш қийин бўлмай қолган, энам егулик солиб қўйган халтачани олиб, ўртоғим Асадбек билан йўлга тушар, кечаги бошлаган китобнинг охирига етишни ўйлаб энтикардим. Қўйларни серўт жойларга ҳайдагач, эгнимдаги чопонни ерга тўшардим-у, тезда китобни қўлга олардим. Ўртоғим Асад, "Профессор, илтимос, овозингни чиқариб ўқи, бизам эшитайлик" дея ялинарди. Мен овоз чиқариб китоб ўқирдим, ўртоғим эса эшитарди. Мактабимиздаги кутубхоначи опа: "Кеча олиб кетган китобни нега бугун кўтариб келдинг, ўқиб келасанми, ёки сенга кутубхонага кириб-чиқиш шунчаки қизиқми?" дея жаҳл билан қарши оларди. Шу тарзда мактаб кутубхонасидаги барча болалар адабиёти менинг қўлимдан ўтган. Бундан ташқари отам шаҳарга тушгудек бўлса, албатта, китоб олиб келишларини сўрардим.

Ўртоғим Асад ҳам бора-бора худди мендек китоб, эртак "жинни"сига айланди-қолди. Хуллас, қишлоғимнинг кенг яйловлари, қадрдон тепаликларида жуда кўп китоблар билан сирлашдим. Дарвоқе, отамнинг яна бир хислати бор эди. Ўша болалик давримизда бизни Самарқанд шаҳрига олиб борар, у ердаги қадимий Регистон майдони, Бибихоним мадрасаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда каби муқаддас жойларни зиёрат қилдириб, уларнинг тарихи ҳақида гапириб берардилар. Мен шу куни жуда кўтаринки руҳ билан қишлоққа қайтар, кўрганларимни ўртоқларимга айтиб берардим.

Йиллар ўтди. Ўқитувчи бўлишни мўлжаллаб шаҳарга отландик. Ўқишга кирдим, олийгоҳни аъло баҳоларга тугатдим. Меҳрибон устозларим, яқин дўстларим маслаҳатлари билан аспирантурада ўқидим ва уни ҳам вақтида тугатиб, диссертация ёқладим. Кейинчалик докторлик диссертациясини устида ишладим. Хуллас, илм ўрганишнинг охири бўлмади.

Отамдан ўрганган одат — саҳар туриш, мени илмли, рўзғоримни баракали, ишимни унумли қилди...

Устозимнинг қисқа ҳикояси шу бўлди, у кишининг олдидан қайтгунча айтилган ибратли одат таъсирида хаёлга чўмиб келдим.

Марҳабо МУҲАММАДИЙ.

Эълон

“Фаоллик” шўъба жамоа хўжалиги тугатилади. Даъволар 2 ой муддатида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 64-20-46

БИЛДИРУВ

Газетамизнинг навбатдаги сони 10 июл куни чиқади.

Ўзингни англаб эт!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 133-69-45, 41-52-72.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Собиржон ЁҚУБОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 573

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.